O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI

*Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!*

# Постда

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2004 йил 1 июль, пайшанба • 27 (3555)-сон

**«Бизнинг бугунги ҳаётимизни, давлатимиз ва жамиятимиз юкини ўз елкасида кўтариб келаётган инсонларнинг манфаатини ҳимоялаш матбуот аҳлининг нафақат вазифаси, балки муқаддас бурчидир».**

**Ислом КАРИМОВ.**





# ЯҚИН ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛСИН!



**Азиз муштарийлар! Мана, 2004 йилнинг иккинчи ярми учун обуна мавсуми якунланди. Ушбу мавсум республикамиздаги ички ишлар идоралари томонидан уюшқоқлик билан ўтказилди. Уларга ўз миннатдорчилигимизни изҳор этамиз. Келгусида ҳам газетамизда жиноят қидирув хизмати воқеалари, терговчи хотиралари, суд очерклари ва бошқа ранг-баранг материаллар, сканворд ҳамда кроссвордлар, шунингдек, "Саломатлик", "Ниҳол", "Сулола", "Ибрат", "Болалар", "Спорт+футбол" каби саҳифаларни ёритиб бориш ниятидамиз. Агар ўзингизни қизиқтирган бошқа мавзулардан баҳраманд бўлишни истасангиз, марҳамат бизга ёзиб юборинг. Газетамиз ҳамиша яқин ҳамроҳингиз, суҳбатдошингиз бўлишини тилаб қоламиз.**

**ТАҲРИРИЯТ.**


УШБУ СОНДА:

ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА 3

ЁШЛИК ХАТОСИ 4

ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛИШ... 13



ЧЕКИШ САЛОМАТЛИК УЧУН ХАВФЛИДИР! 14



ТЕКШИРИЛГАНИ




ШУ БЎЛСА... 15


*Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё*

*Ҳунар шундай отдирки, у минган кишини роҳат ва эътибор манзилига етказади.*

*«Постда» gazetasining ilovasi*




# UCHINCHI OLAM

HAYRATOMUZ VOQEALAR,
BOLAJONLAR SAHIFASI,
MUNAJJIMLAR BASHORATI,
SKANVORD VA KROSSVORDLAR,
HAJVIYA, XANDALAR,
SPORT YANGILIKLARI,
INTERNET XABARLARI

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

# ЎТДАН ҚЎРҚМАС ЎТЮРАКЛАР



Инсон ҳаётида шундай дамлар бўладики, у бир умрга татигулик унутилмас хотира бўлиб қалбларга муҳрланади. Эр йигит ҳаёт синовларини мардонавор енгиб ўтиб, элу юрт манфаатини ўз манфаатидан устун қўяди. Ана шундай фидойи инсонлар сафи Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабини битираётган ёш лейтенантлар билан бойиди.



Мактабнинг Сирғали тумани ҳудудидаги байрамона кўрк берилган ўйингоҳи ёш лейтенантлар, уларнинг ота-оналари билан гавжум бўлди.

Тадбирда республика Ички ишлар вазири ўринбосари, милиция полковниги Х. Зокиров, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, Ўзбекистон Республикаси Президент девони масъул ходими Ў. Жўраев, ИИВ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги милиция генерал-майори Ғ. Раҳимов, Республика ИИВ ТОҲТБЮ бошлиғи, генерал-майор Ш. Ниёзов, Сирғали тумани ҳокими Р. Рўзимуҳаммедов ҳамда бошқалар иштирок этишди.

Мактаб бошлиғи, юридик фанлар доктори, полковник М. Собиров тадбирни очиб, битирувчиларни қизғин қутлади.

Тантанали битирув маросимида ўқишни аъло баҳолар билан тугаллаган ўн нафар лейтенантларга имтиёзли бакалавр дипломларини Ички ишлар вазири ўринбосари, милиция полковниги Х. Зокиров топширди ва битирувчиларни табриклади.

Битирувчилар номидан ички хизмат лейтенанти М. Маъмуржонов сўзга чиқиб, тўрт йил давомида таълим олиб, етук мутахассис бўлиб етишишларида барча шарт-шароитларни яратиб берган Ички ишлар вазирлиги ва мактаб раҳбариятига миннатдорчилик билдирди.

Тадбир сўнгида анъанага кўра халқимизнинг севимли хушовоз хонандалари ижросида концерт дастури ва байрам дастурхони ташкиллаштирилди.

**Ўктам ХОЛИҚОВ,**
*ички хизмат лейтенанти.*

# ХОДИМЛАР МАЛАКА ОШИРИШДИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Хорижга чиқиш-келиш ва фуқаролик бошқармасида соҳа ходимларининг навбатдаги ўқув семинари бўлиб ўтди. Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБлари ХЧК ва ФБларининг чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистонда бўлиш тартиби ва республикамиз фуқаролиги билан боғлиқ масалалар бўйича шуғулланувчи масъул ходимлар иштирок этдилар.

Машғулотда ХЧК ва ФБ бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги А. Тошметов жорий йилнинг биринчи ярмида тизимда амалга оширилган ишлар, қўлга киритилган ютуқлар ҳамда йўл қўйилган камчиликлар ҳақида гапирди.

Тадбир қатнашчилари республика Вазирлар Маҳкамасининг "Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикасига келиб-кетувчи ва бўлувчи хорижий фуқароларни назорат этиш мақсадида умумий ахборотлар марказини ташкил этиш ҳақида"-ги қарорларининг талаблари асосида республикамиз фуқаролиги билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш бўйича бошқарма бўлим бошлиқлари ҳамда мутахассисларнинг маърузаларини тингладилар. Доимий яшовчи чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва МДҲга аъзо давлатлар фуқароларининг яшаш гувоҳномаларининг амал қилиш муддатини узайтириш, ҳисобот карточкаларининг юборилиши, иш жилдларининг сақланиши, турар жойларда қонуний яшашлари устидан профилактика инспекторларининг назорат олиб бориши тартиби, қонунбузарларга нисбатан қўлланиладиган маъмурий чоралар ва бошқа қатор мавзулардаги чиқишлар мунозаралар, савол-жавобларга бой бўлди.

Машғулотларда ИИВ ХЧК ва ФБ бошлиғи, милиция полковниги Б. Шорихсиев қатнашиб, йиғилганларнинг кўплаб саволларига жавоб берди.

Икки кун давом этган ўқув семинари якунида қатнашчилардан синовлар қабул қилинди.

**Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА.**

# СОҲА ВАКИЛЛАРИ КЕНГАШИШДИ

Самарқанд вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармасида соҳа шахсий таркиб билан ишлаш хизмати раҳбар ходимларининг республика семинар-кенгаши ўтказилди. Уни республика ИИВ ҳузуридаги "Қўриқлаш" Республика Бирлашмаси бошлиғининг ШТБИХ бўйича ўринбосари, милиция полковниги Х. Раҳматуллаев олиб борди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри қўриқлаш хизматларидан вакиллар иштирок этган ушбу тадбир давомида кадрлар билан ишлаш борасидаги масалалар муҳокама қилиниб, келгуси вазифалар белгилаб олинди. Шунингдек, мавжуд камчиликлар юзасидан мулоҳазалар билдирилди.

Семинар-кенгашдан сўнг иштирокчилар Самарқанд шаҳрининг тарихий жойларига саёҳат уюштиришди.

**Анвар ҒУЛОМОВ,**
*милиция майори.*

# ҲАМФИКР БЎЛИШСА

Тошкент Давлат юридик институтида Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни муносабати билан "Юристлар гиёҳвандликка қарши" шиори остида анжуман бўлиб ўтди. Унда халқаро ташкилотлар, Афғонистон Республикаси элчихонаси, Тошкент шаҳар наркология диспансери вакиллари ҳамда институт талабалари иштирок этишди.

Анжуманда сўз олган Афғонистон Республикаси элчихонаси вакили, доктор Муҳаммад Ориф Салимий Афғонистонда етиштирилаётган гиёҳвандлик моддалари ноқонуний йўллар билан Марказий Осиё республикалари орқали бошқа давлатларга олиб ўтилаётганлигини таъкидлади. Бу офатга қарши курашда барча, хусусан, Ўзбекистон-Афғонистон ёшлари ҳамфикр, бирдамликда кураш олиб боришлиги лозимлигини айтди.

Шунингдек, БМТнинг Наркотик моддаларга қарши кураш бошқармаси вакили А. Ёқубова, "PDRP" халқаро ташкилоти эксперти Р. Назаровалар Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар биргаликда ўз дастурларини амалга оширишлари мақсадга мувофиқ деган фикрни билдиришди.

Тошкент шаҳар наркология диспансери шифокори Сирожиддин Муҳаммедов ажал домига тушиб қолаётганлар асосан, ёш йигит-қизлар эканлиги, гиёҳвандликка қарши курашда тарғибот-ташвиқот ишларининг самарадорлигини ошириш зарурлигини айтди.

Анжуманда Тошкент Давлат юридик институти "Халқаро ва қиёсий ҳуқуқ" кафедраси мудири, юридик фанлар доктори Гулчеҳра Маткаримова илм даргоҳида гиёҳвандликка қарши кураш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида тўхталди.

**Қ. ШОКИРОВ.**

Эҳтиёт бўлинг: фирибгар!

# МИНГ БИР ҚИЁФА

**Бизга АҚШнинг Ўзбекистондаги Элчихонаси Консуллик бўлимидан хабар қилишларича, Иммиграцион (муҳожирлик) визалар лотереяси (Грин Карта) дастури қатнашчиларига ғолиб бўлганликлари ҳақида хабар бериш жараёнида фирибгарликка уринишлар бўлаётган экан.**

Яқинда бир неча шахс Иммиграцион визалар лотереяси – DV-2005 дастурида ғолиб чиққанликлари ҳақида билдириш хатлари ҳақиқий эканлигини аниқлаш борасида ёрдам сўраб, Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Элчихонаси Консуллик бўлимига мурожаат қилишди. Улар ўз почта қутиларида ғолиб чиққанлик ҳақида билдириш хатлари ва анкеталар солинган конвертларни топганлар. Аммо конвертлар очиқ ҳолда бўлган. Кейинроқ эса айрим кимсалар маълум тўлов эвазига бошқа керакли ҳужжатларни тўлдириб беришни таклиф қилишган. Ваҳоланки, Иммиграцион визалар лотереяси (Грин Карта) дастури АҚШ Давлат Департаменти томонидан бошқариладиган бепул дастурдир.

Қатнашчиларнинг ҳужжатларини маълум тўлов эвазига тўлдириб бермоқчи бўлган кишилар фирибгарлар эканлигини унутманг. Ғолиб чиққан кишилар бу ҳақида билдириш хатлари ва анкеталарни беркитилган конвертда оладилар. Шундан сўнг ғолиблар анкеталарни ўзлари тўлдириб, Америка Қўшма Штатларининг Алматидаги Элчихонаси Консуллик бўлимига иммиграцион виза юзасидан мурожаат қилишлари мумкин.

Шуни ёдда тутмоқ лозимки, анкета ва ҳужжатларда қалбаки маълумотлар тақдим этсангиз, Иммиграцион виза сўраб қилган мурожаатингизга рад жавоби олишингиз мумкин. Бу ножўя ҳаракатингиз сизни АҚШга бориш бўйича бошқа турдаги визалар олиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум қилади.

«Ғалла – 2004»

# ЁНҒИНЛАРСИЗ ЎТИШИ УЧУН

**Республикамизда ғалла ўрим-йиғими қизғин давом этмоқда. Ушбу палла деҳқонлар қатори ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларига ҳам катта масъулият юклаган. Фарғона вилояти ИИБ ЁХБ ходимлари мавсумни ёнғинларсиз ўтказиш мақсадида деҳқонлар билан ҳамжиҳатликда иш олиб бормоқдалар.**

Вилоятда 105 минг гектар майдонга ғалла экилган. Ҳозирда 160 нафардан ортиқ ёнғин хавфсизлиги хизмати ходими, 12 та ёнғин ўчириш автомобили тўлиқ экипаж билан дон қабул қилиш, қайта ишлаш корхоналари ва ўрим жойларида навбатчиликни ўтамоқдалар. Хизмат ходимлари ёнғин хавфсизлигини таъминлаш билан бир қаторда экиндан бўшаган майдонларга ўт ёқиб юборилишининг олдини олишга ҳам катта эътибор қаратмоқдалар. Жойларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тадбирларни бажармаганликлари учун 34 нафар масъул шахслар 118 минг сўм миқдорида маъмурий жазога тортилди. Ёнғин чиқиш хавфи бўлган 172 та носоз тармоқлар манбаадан узиб, 65 та масканнинг иш фаолияти вақтинча тўхтатиб қўйилди.

Охунбобоев туманидаги М. Умаров номли ширкат хўжалиги дон омбори мудири М. Бобоев, Фурқат туманидаги дон қабул қилиш пункти омбор мудири Т. Неъматовларга донни сақлашда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаганликлари учун маъмурий жазо қўлланилди.

Бошқарма ходимларининг барча саъй-ҳаракатлари мавсумда ёнғинлар содир бўлишига йўл қўймасликка қаратилган.

**Адолат АБДИЕВА,**
*ички хизмат катта лейтенанти.*

# МАСЪУЛИЯТ БОР ЖОЙДА

**Шу кеча-кундузда республикамиз ғаллазорларида ўрим-йиғим ишлари қизғин тус олмоқда. Ҳосилни тезроқ йиғиштириб олиб, қабул пунктларига топширишда ички ишлар ходимлари ҳам деҳқонларга яқиндан ёрдам бермоқдалар.**

– Воҳа вилояти ғаллакорлари мўл ҳосил етиштирдилар, – дейди Қашқадарё вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги О. Эшқобилов. – 680 минг тонналик улкан хирмонни яратиш учун барча астойдил ҳаракат қилаяпти.



Бизнинг асосий вазифамиз ғалла нобудгарчилиги ва талон-торожлигининг олдини олишга қаратилган. Шу билан бирга йиғим-теримда фойдаланилаётган техника воситаларининг созлиги, ёнғин хавфсизлиги талабларига жавоб бериши, энг муҳими, мавсумда иштирок этаётган фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳам эътибордан четда қолмаган. Шу мақсадда мавсумга жалб этилган транспорт воситаларининг техник ҳолати, ёнғин хавфсизлиги талабларига қай даражада жавоб бериши кўриб чиқилди. Бу борадаги тарғибот ва ташвиқот ишлари кучайтирилди.

Ички ишлар ходимларидан иборат кўплаб кузатув масканлари ташкил этилди. Бу масканлар ғалла талон-торожлиги ва нобудгарчилигининг олдини олиш, ҳосилнинг манзилга етиб боришида муҳим роль ўйнамоқда. Қарши, Нишон, Чироқчи, Касби туманларида саккизта ташмачилик ҳолати аниқланди. Масалан, Қарши тумани ИИБ ва вилоят ИИБ қўриқлаш хизмати ходимлари томонидан Бешкент ширкат хўжалигида яшовчи комбайн ҳайдовчиси Ғ. Орзиқул фуқаро Р. Холиёровга 1500 килограмм буғдойни "улашаётгани", Чироқчи тумани Чиял хўжалиги омбор мудири П. Абдулҳамид 3100 килограмм арпани фуқаро Ш. Раҳматиллога 75 минг сўмга пуллагани маълум бўлди. Улар тегишли жазо оладилар.

Масъулият бор жойда белгиланган вазифалар кўнгилдагидек уддаланаверади. Вилоят ИИБ соҳавий хизматлари томонидан олиб борилаётган ишлар бунинг тасдиғидир.

**С. ОМОНТУРДИЕВ.**



## ИНТЕРНЕТ ҲАММАГА КЕРАК

**Интернет тармоқларида террорчи гуруҳлар ҳамда америкаликлар ва уларнинг иттифоқчилари ўртасида ҳақиқий уруш кетяпти. "Вашингтон таймс" газетасининг ёзишича, "Ал-Қоида" ташкилотининг Ироқдаги шохобчаси раҳбари Абу Мусоб ал-Зарқавий одам ёллаш, террорчилик ҳаракатлари учун маблағ тўплаш мақсадида фойдаланяпти. Шунингдек, террорчи гуруҳлар ундан ўзаро алоқа боғлаш, ахборот алмашиш мақсадида ҳам фойдаланишга уринишяпти.**

# ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА



## АМНИСТИЯ САМАРАСИ

Саудия Арабистони подшоси Фаҳд турли исломий гуруҳлар жангариларига нисбатан амнистия эълон қилгани ўз натижаларини беряпти. Яқинда ҳокимият вакилларига машҳур мухолифатчи Отман ал-Амрий таслим бўлди. BBC News нашри хабар қилишича, у Саудия Арабистони ҳукумати амалдаги ҳокимият душмани деб эълон қилган 26 кишидан бири эди. У икки йилдан буён яшириниб юрганди.



37 ёшли ал-Амрий ўз уйида ҳибсга олинди ва ҳозир сўроқ қилиняпти. Илгарироқ унинг яқин сафдоши Саабан ал-Шихрий ҳам таслим бўлган эди.

Амнистияга мувофиқ, ўз ихтиёрлари билан таслим бўлган жангарилар қамалмайди ёки кам муддатларга озодликдан маҳрум этилишлари мумкин. Ҳатто содир этилган қўпорувчиликлар қурбонларининг яқинлари талабига кўра суд жараёни бўлган тақдирда ҳам, улар ўлим жазосига ҳукм этилмайдилар.

Саудия Арабистони ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг маълумотларига қараганда, қора рўйхатдаги 26 кишидан 11 нафари ҳибсга олинган ёки қатл этилган.

Подшо Фаҳд террорчиларга қарши кураш давом этишини айтди. Амнистия муддати эса бир ой.



## САМОЛЁТ ҲАЛОКАТИ

**Москва яқинидаги "Заозерье" қўрғонида самолёт қулаб тушди. Гарчи у бир уйнинг томини вайрон қилган бўлса ҳам, бахтли тасодиф туфайли аҳоли орасида қурбонлар йўқ. Самолётдаги бортмеханик ва бир йўловчи қиз ҳалок бўлишди. Экипаж командири ва йўловчи аёл эса оғир аҳволда касалхонага ётқизилган. Қутқарувчиларнинг фикрича, портлаш юз берганда қурбонлар сони бундан кўп бўларди. Самолёт ўқув-машқ парвозини амалга ошираётган бўлган. Ҳалокат сабаблари ўрганиляпти.**



## МУРОСАГА ЎРИН ЙЎҚ

"Утро" нашрининг ёзишича, Ал Жазира телеканали ироқлик жангарилар туркиялик уч фуқарони гаровга олишган. Жангарилар расмий Анқара 72 соат ичида Ироқда фаолият юритаётган барча компаниялари ва фуқароларини олиб чиқиб кетмаса, гаровда сақланаётганлар қатл этилишини билдиришган.

Маълумки, Ироқда турк ҳарбийлари йўқ, фақат шартнома асосида иттифоқчи кучлар иншоотларида ишлаётганларгина бор.

Бир неча соатдан сўнг Туркия Мудофаа вазири расмий баёнот бериб, жангарилар билан ҳеч қандай музокара олиб борилмаслигини, муросага ўрин йўқлигини айтди.

Жанубий Корея ҳам таржимон Ким Сон Ирни "Жиҳод ва Бирлашиш гуруҳи" асирга олганида, музокаралар олиб борса-да, қўйилган шартларни бажаришдан бош тортган эди. Шундан сўнг жангарилар таржимонни қатл этишганди.

## ПОРТЛАШ

**Душанба куни кечқурун Туркия мудофаа вазирлиги биноси ички ҳовлисига ўрнатилган видеокузатув камераси портлаб кетди. Натижада яқин атрофдаги уйларнинг ва вазирлик биносининг бир неча деразаси синди. Жабрлanганлар йўқ.**

## ҒАЗО СЕКТОРИДА НОТИНЧЛИК

Исроил қўшинлари Ғазо секторининг шимолий қисмида кенг миқёсли рейд ўтказишди. Ахборот агентликларининг хабар қилишича танклар, БТР ва зирҳли бульдозерлар колонаси вертолётлар кўмагида Фаластиннинг Байт-Ханун қишлоғига киришди. Исроил разведкаси маълумотига қараганда, айнан шу ердан иккита қўлбола "Кассам" ракетаси учирилиб, икки исроилликнинг ҳаётига зомин бўлган эди.



Қўшинлар мавзеларни ўраб олишди, уйлар тинтув қилиняпти. Қуролланган жангарилар қаршилик кўрсатишмоқда.

## СУЗУВЧИ МИНАЛАР

**АҚШ Федерал тергов бюроси навбатдаги ҳисоботида мамлакат фуқароларини ва маҳаллий ҳокимият вакилларини сузувчи миналар хавфидан огоҳ этди. Бундай миналар сувда сузиб юрган ахлатлар ичига жойлаштирилиши мумкин экан. Бу, айниқса, кемалар қатновига катта хавф туғдиради. Янги қоидаларга мувофиқ, энди АҚШ қирғоқ мудофааси хизмати мамлакатга қарашли денгиз ҳудудларига кирувчи барча кемаларни текширишади.**

## ҲОКИМИЯТ ТОПШИРИЛДИ



Ахборот агентликларининг хабарларига кўра, душанба куни маҳаллий вақт билан соат 10.26 да ҳокимият Ироқ вакилларига топширилди. Маросим ёпиқ тарзда ўтди. Унга икки томон вакиллари ва айрим журналистлар таклиф этилди, холос.

Ироқдаги АҚШ маъмурияти раҳбари Пол Бремер мамлакатнинг Бош вазири Айд Аллавийга ҳужжатлар пакети ҳамда Президент Бушнинг мактубини топширди.

"Бу тарихий кун, биз мамлакатда вазиятни барқарорлаштириш ва хавфсизликни таъминлаш каби вазифаларни уддалай оламиз", – деди А. Аллавий ўз сўзида.

АҚШнинг Ироқдаги қўшинлари қўмондонининг ўринбосари, генерал Марк Киммитнинг айтишича, Саддам Ҳусайн Ироқ адлия вазирлигига топширилди.

## "УНУТИЛМАС" ЗИЁФАТ



Россиянинг Амурск вилояти Тамбовка қўрғонилик бу йилги битирувчилар учун битириш зиёфати "эсда қоларли" бўлди. Шифокорлар 207 кишига "овқатдан заҳарланиш" ташхисини қўйишди. Заҳарланганлар орасида нафақат ўқувчилар, балки ўқитувчилар ва ота-оналар ҳам бор. Ҳозирда 193 киши касалхонада ётибди. Улардан 23 нафарининг аҳволи оғир.

## ТЕРРОРЧИЛАР ОЧ ҚОЛГАН КЎРИНИШАДИ

Филиппин жанубида ҳукумат қўшинлари ва полиция кучларининг биргаликда ўтказган операцияси чоғида "Абу Сайёф" террорчилик ташкилотининг ўнлаб жангарилари йўқ қилинди. Улар орасида экстремистларнинг раҳбарларидан бири Аюб Бакил, шунингдек, унинг укаси ва жияни ҳам бор. Филиппин денгиз пиёдалари капитани Роммел Абраунинг айтишича, маҳаллий аҳоли вакилларидан бирининг ҳушёрлиги туфайли жангарилар изига тушишга муваффақ бўлинди. У Тавитави шаҳрининг марказий бозорида 30 га яқин қуролланган кишиларни кўриб қолиб, бу ҳақда ҳарбий штабга хабар берган. Жангарилар озиқ-овқат, туз, гугурт харид қилиш учун бозорга тушишган экан. Операция яшин тезлигида ўтказилди. Ҳарбийлар бозорни ўраб олишди. Тутун пардаси остида жангариларга қараб ўт очишди. Экстремистлар аввалига қаттиқ қаршилик кўрсатишди. Аммо сардорлари ўлганидан хабар топишгач, қочишга тушишди. "Абу Сайёф" ташкилоти раҳбарлари яқин орада ҳалок бўлган сафдошлари учун ўч олишлари ҳақида овоза тарқатишди.

Филиппин Мудофаа вазири Нарсисо Абайя журналистларга берган интервьюсида мамлакат қуролли кучлари бундан буён ҳам террорчиларга қарши муросасиз кураш олиб боришини таъкидлади. У оддий одамларнинг бу ишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларига ва ҳарбийларга яқиндан ёрдам беришаётганини юксак баҳолади.



Расмий маълумотларга қараганда, Филиппинда 400 га яқин қуролли экстремист фаолият кўрсатади. Уларнинг аксарияти Афғонистондаги террорчилар лагерларида тайёргарликдан ўтган, Яман, Саудия Арабистони ва Ироқда содир этилган террорчилик ҳаракатларида қатнашган. "Абу Сайёф" ва "Ал-Қоида" ташкилотлари ўзаро яқин алоқа ўрнатишган. Аюб Бакил бир неча бор Усома Бин Лоден билан учрашган, ундан қўпорувчилик ҳаракатлари учун катта миқдорда пуллар олган.

(N)

Фидойи ҳамкасбларимиз

# ЗАМИРА ОПАнинг ҚУВОНЧЛИ КУНЛАРИ

**...Гулистон шаҳридаги мактабларнинг бирида юқори синф ўқувчиларига фуқаролик паспортини топшириш маросими бўляпти. Шаҳар ички ишлар бўлимидан келган ходимлар орасида аёл киши ҳам бор. Унинг хушбичим қоматига хизмат кийими жуда ярашган. Замира уни кўриб маҳлиё бўлиб қолганидан ёнида ўтирган дугонасининг гапини эшитмасди.**

– Нега унга тикилиб қолдинг, – дея туртди дугонаси унинг ҳолатини кўриб.

– Аёлга жуда ҳавасим келяпти, мен ҳам милиционер бўлмоқчиман, – деди у.

Ўрта мактабни тугатишгач Замиранинг дугоналари педагог, шифокор, тикувчилик касбини эгаллаш учун ўқишга кириш ҳаракатига тушишганда у ҳеч иккиланмай Душанбе шаҳридаги милиция ўрта махсус мактабига ҳужжат топширди. Сўзидан қайтмайдиган, қатъиятли қизнинг раъйини ҳеч ким қайтаролмади.

У биринчи марта милиция ходимининг хизмат кийимини кийганда ўзини энг бахтли қиз деб ҳисоблади. Унинг масъулияти катта эканлиги, машаққатли меҳнат қилиши лозимлигини ҳис этди. Ўқишни битиргач, дастлаб Сирдарё вилояти ИИБ санитария милицияси тизимида ишлади. Кейин уни ёнғин хавфсизлиги бўлимига ўтказишди. Тез орада ҳужжатлар билан ишлашда яхши тажрибага эга, хушмуомала, энг муҳими ҳар қандай топшириқни бекаму кўст бажарадиган ходима сифатида танилди. Унинг яхши фазилатларидан бири билмаганини тортинмасдан сўрайди.

Вилоят ИИБ котибиятида ишлаганида ҳам кўпларга ибрат бўладиган даражада хизмат қилди. Устозлар маслаҳатига амал қилиб, улардан ўрганганларини тенгдош ҳамкасблари билан баҳам кўрди.

Замиранинг кўп йиллик тажрибаси инобатга олиниб, вилоят ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлимининг кадрлар билан ишлаш хизматига ўтказилди.

–Замира Зокирова жамоамиз фахри, – дейди вилоят ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Норқул Аханов. – Унинг ишга бўлган садоқати, вазифасига масъулият билан ёндашишини бошқаларга намуна қилиб кўрсатамиз. Ёш кадрлар билан ишлашда кўп йиллик тажрибаси қўл келяпти. Энг муҳими, жамоамизда хотин-қизлар сафи кенгаймоқда.

Замира опанинг ҳаётида қувончли кунлар кўп бўлган. Ҳаммасини эслаш, қийин. Лекин шогирдларини муваффақиятини кўриш унинг учун бахтдир.

– Боғбон умид билан ниҳол экади, парваришлайди, меҳнат қилади, – деди милиция майори Замира опа Зокирова. – Унинг ҳосилини татиб, бошқалар ҳам баҳраманд бўлаётганини кўриб бутун чарчоғи, машаққатларини унутади. Феруза Тошматова, Жаҳонгир Нажмуллаев, Моҳира Мадазимова, Шаҳзода Мирзобековаларга озми-кўпми билганларимдан ўргатдим. Улар ҳар гал раҳбариятдан мақтов эшитиб, ҳамкасблари ҳурматига сазовор бўлишаётганини кўрсам қувониб кетаман.

**Умрзоқ ҒАФФОРОВ,**
*милиция катта сержанти.*



***Суратда:** милиция майори З. Зокирова шогирди, милиция капитани Раббим Шукуров билан хизмат пайтида.*

**А. КЕНЖАЕВ олган сурат.**

Хизматларда

# ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

**Навоий вилоятида аҳоли сони нисбатан камлигига қарамай маъмурий ҳудуди катта. Шунга яраша автомобиль йўлларининг жами узунлиги 16 минг километрдан ошади.**

Жорий йилнинг ўтган даври ичида вилоят йўлларида жами 72 мингдан ошиқ қоидабузарликлар аниқланди. Уларнинг ярмидан зиёдини транспорт воситасини маст ҳолатда бошқариш, тезликни меъёридан ошириш каби қўпол қоидабузарликлар ташкил этди. Қоидабузарлардан жами 44 миллион сўм миқдорида жарима ундирилди.

Бундан ташқари, мамлакатимиз ҳудудидан товар-моддий бойликларининг ноқонуний олиб чиқилиши ва олиб кирилишининг олдини олишга ҳам катта эътибор беріляпти. Бу борада божхона хизмати ходимлари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Хусусан, кам аҳамиятли ва айланма йўллар кучли назорат остига олинган. Бу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ 110 миллион сўмликдан зиёд товар-моддий бойликлари сақлаб қолинди. 10 минг литрдан ошиқ ёқилғи маҳсулотлари, 2 тоннадан зиёдроқ минерал ўғитлар шулар жумласидандир.

Ўтган давр мобайнида 300 га яқин жиноят ЙҲХБ ходимлари иштирокида фош этилди. Уларнинг элликка яқинини бевосита ЙПХ ходимлари очишди. Уларнинг 14 таси қурол-яроғ ва ўқ-дорилар билан боғлиқлигини назарда тутсак, хизмат натижаси, аҳамияти янада ойдинлашади.

Жиноятларни фош этишда хизмат итларидан ҳам самарали фойдаланиляпти. Улар ёрдамида очилган 30 дан зиёд жиноятнинг аксарияти гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланишига боғлиқдир.

Ёлиқ, лицензия идоралари билан бирга "Автобус", "Такси" тадбирлари ўтказилди. Тадбирлар чоғида йўловчи ташиш фаолияти билан ноқонуний шуғулланувчи 800 нафардан ошиқ шахс ушланди. Улардан 32 миллион сўмлик маблағ ундирилиб, давлат бюджетига туширилди. Шунингдек, юртимизга тегишли рухсатнома-визасиз, турли яширин, айланма йўллар билан кириб келган хорижлик фуқаролар республикамиз ҳудудидан чиқариб юборилди.

Ҳа, ҳамкорликда ўтказилаётган тадбирлар натижасида йўл-транспорт ҳодисалари сони сезиларли даражада камайиб, содир этилаётган турли ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар қисқа фурсатларда фош қилиняпти.

**Валижон АШУРОВ,**
*милиция капитани.*

Маҳорат синови

# ЖАНГОВАР ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИГИ

**Самарқанд вилояти ИИБ базасида ИИВ ППХ ва ЖТСББ тизимлари оммавий тадбирлар чоғида жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминловчи махсус батальон(отряд)лар шахсий таркиби ўртасида "Макаров" тўппончаси ҳамда "Драгунов" снайпер милтиғидан амалий ўқ отиш бўйича республика мусобақаси ўтказилди. Ушбу ўзига хос кўрикда 60 нафар ходим иштирок этиб, жанговар тайёргарлик ва мерганликларини намойиш этишга ҳаракат қилдилар.**

Умумжамоа ҳисобида ҳар икки босқичда муваффақият қозонган Тошкент вилояти ИИБ ППХ махсус отряди энг кўп балл тўплаб, биринчи ўринни эгаллади. Тошкент шаҳар ИИББ ППХ бригадаси махсус батальони ва Самарқанд вилояти ИИБ ППХ махсус отряди вакиллари ҳам маҳорат кўрсатиб, иккинчи ҳамда учинчи ўринларни қўлга киритдилар.

Шахсий биринчилик бўйича ҳам ғолиблар аниқланди. "Макаров" тўппончасидан ўқ отишда Тошкент вилояти ИИБ ППХ махсус отряди командири, милиция катта лейтенанти Б. Есбердиев, Навоий вилояти ИИБ ППХ махсус отряди инспектори, милиция майори С. Нарзиев, Тошкент шаҳар ИИББ ППХ бригадаси махсус батальони инспектори, милиция лейтенанти И. Жўраевлар фахрли ўринларни эгалладилар.

"Драгунов" снайперли милтиғидан ўқ отишда эса бошқаларга нисбатан пухта тайёргарлик кўрган Қашқадарё вилояти ИИБ ППХ махсус отряди инспектори, милиция лейтенанти Ф. Каримов, Самарқанд вилояти ИИБ ППХ махсус отряди милиционери, милиция сержанти Ж. Яров ва Тошкент шаҳар ИИББ ППХ бригадаси махсус батальони милиционери, милиция сержанти Р. Абдураҳмоновларга омад кулиб боқди.

Мусобақанинг энг ёш қатнашчиси деб Транспорт ИИБ ППХ кичик инспектори, милиция сафдори Р. Ханбеков топилди.

**Ўз мухбиримиз.**

Мулоҳаза

# ЁШЛИК ХАТОСИ

**... Алижон қўлидаги хатжилдга тикилганча бир неча дақиқа хаёлга толди. Хатжилд тепасига бир текис қилиб ёзилган колониянинг манзили ва ўзининг исм-шаърифини қайта-қайта ўқиди. Учинчи синфда ўқийдиган ўғли Шерзоднинг болаларга хос каттакатта ҳарфлар билан ёзган номасига бирин-кетин кўз ёшлари тома бошлади. Уч ойдан буён биринчи марта уйидан хат олиши. Уч ой айтишгагина осон. Атрофи баланд бетон деворлар билан ўралган ушбу масканга келганидан буён дарди ичида. Қилмишини ўйлаб бир эзилса, рафиқасининг илтижоли нигоҳи кўз олдига келиб, ўн эзилади...**

Алижон мижжаларидан сизиб чиққан кўз ёшларини дағаллашиб кетган қўллари билан артди. Кейин бармоқлари титраб, авайлабгина хатжилдни очди. Унинг ичидан чиққан тўрт букланган оддийгина дафтар варағини муқаддас буюмдек оҳиста кўзларига суртиб, ўпди. Варақ қатларини ёйиб, ундаги ёзувга нигоҳини қадади. Шундоқ ҳам юзини ювган кўзёшлари селга айланди. Кейин елкалари титрай бошлади. Охири ўкириб йиғлаганича қўллари билан юзини беркитди.

*"... Адажоним, ассалому алайкум! Яхши юрибсизми? Ишларингиз жойидами? Чарчамаяпсизми? Мен "адам сафарга кетганлар" десам, синфимиздаги болалар "аданг – ўғри! Ўғрилик қилгани учун қамалган" дейишади. Сал нарсага "адаси қамалган" деб масхара қилишади. Мен уришиб, муштлашиб, йиғлаб ҳам уларни сўзларимга ишонтира олмаяпман. Аямдан сўрасам "аданг сафарга кетган" дейдилару йиғлайверадилар. Буни кўриб, ҳайрон бўламан. Адажон, сиз ўғримисиз? Ростдан қамалиб ётибсизми? Қамалмаган, сафарга кетган бўлсангиз нега болалар бунақа гапларни айтишади? Нега ойим йиғлайдилар?..."*

Донишмандлар "букрини гўр тузатади" деганларида айнан нимани кўзда тутишган билмадиму, жамиятимизда гулдек фарзандлари, оиласи, қариндош-уруғининг юзини эл олдида ерга қаратиб, қайта-қайта жиноятга қўл ураётган шахслар ҳам борки, ундайларга "эссиз одамлик" дейишдан бошқа гап хайф. Улар орасида ўйламай босган биргина қадамлари билан ўз шаънларига доғ туширaётганлари ҳам борлиги эса ўта ачинарлидир. Масалан, Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманида яшовчи, Қ. Одил Тошкентга ишлаб, пул топиш, ота-онасига ёрдам бериш мақсадида келган бўлса ажаб эмас. Лекин у жонини койитиб ишлашдан кўра Ҳамза туманидаги хонадонлардан бирининг ҳовлисидаги симга осилган салкам қирқ минг сўмлик кийим-кечакларни йиғиб олишни афзал кўрди. Бировнинг буюмларини орқалаб кетаётган шоввоз ҳеч қанча ўтмай ички ишлар ходимлари томонидан далилий ашё билан қўлга олинди.

Андижон вилояти Булоқбоши туманидан пойтахтга келган, илгари судланиб ҳам тўғри йўлга тушмаган 41 ёшли А. Саидаҳмад эса бировнинг автомашинаси эшигини калит танлаш йўли билан очиб, "Пионер" русумли автомагнитоласини ўғирлаб кетаётганда Тошкент шаҳар ИИББ ходимлари томонидан ушланди.

– Эрталаб соат саккиз яримларда уйдан чиқиб, бозорга бормоқчи бўлдим, – дея ўз қилмиши ҳақида кўргазма беради тошкентлик, муқаддам судланган Р. Қаҳрамон. – Автобусга чиқиб, бир қизнинг чўнтагидаги нарсани ўмардим. Уни пул деб ўйлаган эдим. У пул эмас, йўл чиптаси ва қизга тегишли ҳужжатлар экан. Автобусдан тушиб, бир неча қадам юрмасимдан мени милиционерлар тутиб олишди. Айбимга иқрорман. Мени кечиринглар...

Ўн етти ёшли талаба қизнинг чўнтагига таъмагирлик билан қўл солиб, "мени кечиринглар" деб турган бу инсонга қандай баҳо бериш мумкин?

Инсонга қўл ураётган ишининг оқибатини ўйлаш, мулоҳаза юритиш учун ақлидрок берилгандир балки? Лекин буни хаёлига келтирмай, фақат ўз нафсини ўйлаётган, "болаларимни боқиш учун шу ишга қўл урдим" дея ўзларини оқлашга уринадиган қўли эгри кимсалар ўз қилмишлари билан фарзандлари келажагига болта ураётганлари хусусида жиддий ўйлаб кўришларини истардик.

Фарзандининг хатини охиригача ўқий олмаган отанинг эса виждони уйғонди. Иймон, эрк, соғинч азоби уни ўз исканжасига олди. Демак, унинг тўғри йўлга тушишига умид бор...

**Валишер МАДАМИНОВ,**
*Ҳамза тумани прокурорининг ўринбосари, адлия кичик маслаҳатчиси.*

«Постда» gazetasining ilovasi

TV UCHINCHI OLAM

HAYRATOMUZ VOQEALAR,
BOLAJONLAR SAHIFASI,
MUNAJJIMLAR BASHORATI,
+ SKANVORD VA KROSSVORDLAR,
HAJVIYA, XANDALAR,
SPORT YANGILIKLARI,
INTERNET XABARLARI.

Ишқий можаролар



**Кончино Кончини тасодифан ҳокимиятга эришди. Италияда у оддий нотариус бўлиб ишларди. Тақдирни қарангки, Франциянинг бўлажак қироличаси Мария Медичининг кўкалдош синглиси Леонора Дозини севиб қолди. Қизнинг ҳам унда кўнгли бор эди. Тез орада иккиси оила қуришди.**

**Мария Медичи қирол Генрих IVга турмушга чиққач, ҳамма яқинлари қатори Леонора билан Кончинони ҳам Францияга олиб кетди. Қиролича кўкалдош синглисини жуда яхши кўрар, унинг барча истакларини муҳайё этарди. Леонора Дози эса ўз навбатида эрини телбаларча севар, унинг ҳар қандай истагини сўзсиз бажо келтирарди. Шу тариқа Кончино хотини орқали қироличага кучли таъсир ўтказа бошлади. Қирол Генрих IV вафот этганида Кончино юқори мансабларга эришиб, беҳисоб мол-давлатга, кўплаб уй-жойларга эга бўлиб улгурганди.**



# Италияликларнинг Франциядаги ғаройиб саргузаштлари

У мавқеидан фойдаланиб кўнглига эрк берди, кўпчиликни менсимайдиган, димоғдор кишига айланди. Кончинонинг инжиқликларидан нафақат оддий одамлар, ҳатто сарой аъёнлари ҳам жабр чека бошлашди. Унга бўлса қироличанинг муруввати ошгандан ошиб борарди. Бунинг сабаби оддийгина эди. Кончино қироличанинг юрагини забт этган – жазманига айланганди. Кейинроқ Кончинонинг шаръий хотини эри анчадан буён у билан бир хонада яшамаслигини тан олган эди. Қиролича жазманига қимматбаҳо буюмлар, катта миқдорда пуллар ҳадя этарди. Масалан, Кончино Анкр маркизлигини сотиб олиш учун 8 миллион экюни ҳам қироличадан ундирди. Ваҳоланки, бу пулларни марҳум қирол давлат эҳтиёжлари учун йиққанди. Халқ орасида қироличани очиқдан-очиқ фоҳиша дея атай бошлашди.

Кончино мамлакатнинг биринчи дворянига, Руа, Перона ва Мондидье шаҳарларининг губернаторига, кейинроқ Франция маршалига айланди. Ваҳоланки, ҳарб илмини билиш у ёқда турсин, умрида қўлига қилич тутмаган эди. Хизмат юзасидан вазифалари бир дунё бўлишига қарамай, бирортасини бажармасди. Ҳатто уларни билмасди ҳам. Ўтакетган худбин, қўрқоқ ва очкўз бу шахс фақат ўзи ҳақида ўйлагани ўйлаган эди. Аста-секин давлат ғазнасидаги пуллар унинг чўнтагига оқиб кира бошлади. Бунга ҳам қаноат этмай халқнинг тинкасини қуритувчи янгидан-янги солиқлар ўйлаб топарди.

Уни сарой дворянлари бир неча марта тутиб олиб дўппослашди. Кончинони қиролича билан Леонорадан бўлак ҳеч ким ёқтирмасди. Тез-тез ҳамлаларга дуч келавергач, у кўплаб қўриқчи ёллашга мажбур бўлди, бошқа эҳтиёт чораларини кўра бошлади. Мамлакат вайронагарчиликка юз тутган, бунга биринчи галда қиролича, Кончино ва Леонора айбдор эдилар.

Кончино Мария Медичининг жазмани эканлигини яшириб ўтирмасди, ҳатто, айтиш мумкинки, кўз-кўз қиларди. Масалан, ўзининг уйидан қиролича саройига олиб борувчи кўприк қурдирганди. Ана шу кўприк орқали кўнгли тусаган пайти саройга йўл оларди. Мария бунга қаршилик қилмас, аксинча, турли туҳфалару эркалашлар билан жазманини баттар талтайтирарди.

Сарой аҳли ва Кончино ўртасида юзага келган зиддият ўз ечимини топиши керак эди. Масалани тахтнинг ёш вориси Людовик XIII ҳал этди. У онасининг жазманини ўлдиришга фармон берди. Амри бажарилгач, қироличани ҳокимиятдан четлатиб, тахтни ўзи эгаллади.

Юқорида айтганимиздек, Кончино бой-бадавлатлигига, катта нуфузига қарамай ўз ҳаётига суиқасд қилинишидан бежиз қўрқмасди. Шунинг учун атрофида ҳамиша қуролли тансоқчилари бўларди. Аммо қироличанинг олдига кўприк орқали ёлғиз ўзи борарди. Бўлажак қиролнинг ҳукмини ижро этувчилар уни худди шу ерда пойлаб туришди.

Воқеа қуйидагича юз берди. Кончинога кўприк устида қироллик гвардиячилари сардори капитан Николя Витри пешвоз чиқди ва қирол номидан ҳибсга олди. Аввалига маршал қулоқларига ишонмади. Уни-я, шундай давлат арбобини-я?! Жаҳл устида қиличини қинидан суғурмоқчи бўлганида, кетма-кет уч марта ўқ овози янгради.

Шундан сўнг маршални аввалдан тайёрлаб қўйилган қабрга ими-жимида дафн этишди. Кейин ошиқ-маъшуқларни бирлаштирган ёғоч кўприкни бузишга киришишди.

Энг даҳшатли воқеалар энди бошланди. Париж аҳолиси қироличанинг ўйнаши ўлганидан хабар топиб енгил нафас олишди. Улар бир йўлини қилиб, Кончино дафн қилинган жойни билиб олишди. Гувоҳларнинг айтишича, халойиқ аввалига қабрга туфлашга, уни тепкилашга тушишди. Сўнг мурдани қазиб олишди. Бунга қаршилик қилмоқчи бўлган руҳонийни ҳам ўлдиришларига бир баҳя қолди. У зўрға қочиб қутилди.

Кончинонинг мурдаси шундоқ ҳам абгор бир аҳволда эди. Аммо одамлар бунга қаноат қилишмади. Майитни қўлларига илинган нарса билан уришди, юзларини юмдалашди. Сўнг ўзлари тўқиган кинояли қўшиқни куйлаб, ўлик атрофида рақсга тушишди.

Бир одам ғазабдан ўзини билмай Кончинонинг бурнини кесиб олиб чўнтагига солди. Буни кўриб бошқалар ҳам ўрнак олишди. Майитнинг биров қулоғини, бошқа киши бармоғини кесиб олди.

Сўнг ўликни Париж кўчалари бўйлаб кўтариб юришди. Охири уни ўзи қурдирган ёғоч кўприк вайроналарига қўшиб ёқишди.

Бу ваҳшийликлардан хабар топган қиролича ваҳимага тушди. Фақат марҳум қиролнинг умр йўлдоши бўлганлиги учунгина оломон Мария Медичига раҳм қилди.

Қироличани ўғли давлат ишларидан бутунлай четлаштириб, ташқи оламдан ҳам узиб қўйди. Кончинонинг хотини Леонорани эса кейинроқ ёлғондан жодугарликда айблаб гулханда ёқишди. Ⓝ

«Буюк» фирибгарлар



# АФИНА ИЖОДКОРИ

Италиялик ҳайкалтарош Альчео Доссена ҳақли равишда XX асрнинг энг истеъдодли қаллобларидан бири саналади. Тўғри, унда чинакам истеъдод йўқ эди. Аммо нусха кўчириш бобида унинг устаси фаранглигини тан олиш керак. Жумладан, қадимий даврга оид маъбуда Афина ҳайкалчаларини яратди. XV асрда ижод қилган итальян ҳайкалтарошлари руҳида ҳам ҳайкаллар ясади.

Дунёнинг кўплаб музейларида, шунингдек, қатор хусусий коллекцияларда унинг "ижод" намуналари сақланади. Унинг буюртмачилари Фазоли ва Палези қалбаки асарларни ҳақиқий сифатида сотиб катта фойда кўришсалар ҳам, ижодкорга арзимас пул беришарди.

1927 йилда Доссенанинг хотини вафот этди. Ҳайкалтарош дафн маросимига буюртмачиларидан пул сўради. Рад жавобини олгач, туни билан умр йўлдошининг мурдаси тепасида йиғлаб чиқди. Эртаси эрталаб, улардан ўч олишга қатъий аҳд қилиб, журналистларга бор ҳақиқатни – ўзи чинакам ҳайкалтарош эмас, уста нусхакаш эканлигини айтди. Альчео кўчирган нусхаларни Фазоли ва Палези қадимий санъат асарлари сифатида пуллашгани катта шов-шувга сабаб бўлди.

Натижада Доссена бутун дунёга машҳур бўлиб кетди. 1927 йилда Берлин, Мюнхен ва Кёльнда, 1929 йили эса Неаполда ҳайкалтарошнинг асарлари кўргазмаси ташкил этилди. У ҳақда фильм суратга олинди, мақолалар чоп этилди. Ана шунда Доссена кўчирган нусхалар ҳақиқий даҳо санъаткорлар яратган асл санъат намуналари олдида ночор, ғариб эканлиги аён бўлди.

1936 йилда Альчео Досена вафот этди. Бу пайтга келиб унинг кимлигини кўплар унутишган эди. Ⓝ



# BOLALAR SAHIFASI



## DONO BOBO O‘GITLARI

***Dangasalik dunyoda eng yomon illat. Kattalar, ayniqsa, ota-onangiz ish buyurganda har-xil bahonalar topib, bajarmaslikka o‘rganib qolsangiz katta yoshga yetganda ham erinchoq va tanbal odam bo‘lib qolasiz. Bu esa dilingizdagi orzu-umidlaringizni ro‘yobga chiqishiga to‘siq bo‘ladi. Chunki inson mehnatsevar, har qanday yumushni tez va soz bajarishga odatlansagina ishi unumli, mehnati tufayli topgan noni barakali bo‘ladi.***

**Kunlardan bir kun...**

## ZIYRAKLIGI QO‘L KELDI

Akbar kattalar gapini, ayniqsa, nasihatini tezda qulog‘iga ilib oladigan bola. Ota-onasi, buvasi, buvisi biror narsani qilish mumkin emas desalar o‘sha ishga qo‘l urmaydi. Yana bir xislati – kattalar ishini qiziqib, kuzatib turadi. Bir kuni uylaridagi elektr simidan o‘t chiqib ketdi. Otasi tezda elektr hisoblagichdan tokni uzib qo‘ydi va nosoz simni olib tashlab, yangisini uladi.

Akbar yozgi kanikulda tog‘asinikiga bordi. Tog‘asining o‘zi tengi o‘q‘li bor. Ikkovi birga maza qilib dam olishdi. Ular qirda mol boqdilar, soyda cho‘mildilar.

Kechki payt ikkovi yaylovdan qaytishayotgandi. Qisloqqa kiraverisdagi xonadonda yosh bolaning yig‘isi eshitilib qoldi. Akbarning ko‘ngli biror narsani sezdimi, xonadon tomon chopib ketdi. Kirib borganda ayvonga qo‘yilgan televizor tutab borar, uni ko‘rgan bolakay qo‘rqib yig‘layotgandi. Akbar tezda borib elektr hisoblagichdan tokni uzdi. Tutayotgan televizor oldidan bolani oldi, keyin qo‘shni hovliga o‘tib voqeani aytdi.

Bu paytda bolaning onasi chorbog‘dan chiqib keldi. Akbarning qilgan ishidan manun bo‘ldi va minnatdorcilik bildirdi. Akbarning ziyrakligi tufayli bir xonadonda ro‘y berishi mumkin bo‘lgan yong‘inning oldi olindi.

## XANDALAR

**TEZ AYTISH**

***Sariq gul saratonda sarg‘ayadi,***
***Saratonda sariq gul sarg‘ayadi.***

**– Nega geografiyadan ikki olding? – deb so‘radi ota o‘g‘lining kundaligini ko‘zdan kechirarkan.**

**– Amerikani kim ochgan deb so‘ragandi, bilmadim, – dedi o‘q‘li boshini xam qilib.**

**– Tavba, biz o‘qigan paytda ham shu savolni berishardi, nahotki hanuzgacha bila olishmagan!**

* * *

**– Men katta bo‘lsam samolyotda uchaman, – dedi Botirjon.**

**– Men poyezd haydayman, – dedi Sobirjon.**

**– Meni esa dadamlarning haydovchilari olib yuradi, – dedi Qobiljon mag‘rur.**

* * *

**– Dada, nega bizning gilos sariq, Alijonlarniki qizil? – deya savol berdi Nodirjon.**

**– Giloslar har xil bo‘ladi, – dedi otasi.**

**– Bilaman, qo‘shnimizning gilosiga qizil bo‘yoq qo‘shilgan, biznikiga esa sariq,– dedi bilag‘onlik qilib Rahmatjon.**



**Qadrli bolajonlar! Quyidagi boshqotirmani respublikamiz viloyatlarining markazlari nomini qo‘yib yeching.**

BOSHQOTIRMA




**O‘TGAN SONDA BERILGAN BOSHQOTIRMANING JAVOBI**




## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Бухоро шаҳар ИИБ тергов бўлими терговчиси, милиция майори **Абдулло ХУДОЙБЕРДИЕВ**га! Сизни туғилган кунингиз билан самимий қутлаймиз, узоқ умр, сиҳат-саломатлик, шарафли ишингизда улкан зафарлар тилаймиз. Ҳамиша оилангиз бахтига соғ-омон бўлиб юришингизни Аллоҳдан сўраймиз.

**Ҳамкасбларингиз.**

* * *

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ИҚББ отряд командири, катта лейтенант **Матлаб КАРИМОВ**ни таваллуд топган куни билан самимий табриклаймиз. Унга узоқ ва мазмунли умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, ишларида катта муваффақиятлар тилаймиз.

**Ҳурмат билан оила аъзолари.**

## МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**Келгуси ҳафта учун**

**Қўй.** Таваккал амалга оширилган тижорат ишлари фойда келтирмайди. Турмуш тарзингизни ўзгартириш тараддудига тушасиз. Воқеалар сиз ўйлагандек ривожланади. Жума кунги тасодифий танишув молиявий аҳволингизга таъсир кўрсатиши мумкин. Шанба куни кўчмас мулк билан боғлиқ масалани муваффақиятли ҳал этасиз. Якшанба куни яқин кишиларингиз қўллаб-қувватлашади.

**Сигир.** Душанба куни ишларингиз кўпайиб кетади. Сешанба кунга режалаштирилган учрашув, музокара ва сафарлар муваффақиятсиз якунланади. Пайшанба куни янги даромад манбаларини топасиз. Фаолиятингизни ўзгартириш учун жума қулай кундир. Дам олиш кунлари яқин кишиларингиз билан мулоқот кутилмоқда.

**Эгизаклар.** Ҳафтанинг бошида шахсий ва оилавий муносабатларда қийинчиликлар юзага келади. Иш жойингизда хатоларга йўл қўйишингиз мумкин. Миянгизда туғилган янги ғоялар амалга ошмайди. Пайшанба куни моддий аҳволингиз ёмонлашиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Жума куни яқинларингиз билан муносабатларга путур етказувчи қарама-қаршиликлар кутилмоқда. Якшанба куни оила аъзоларингиз билан бирга бўлишни маслаҳат берамиз.

**Қисқичбақа.** Душанба куни кескин бир қарорга келмаганингиз маъқул. Сизга омад кулиб боқмайди. Чоршанба куни шериклар билан муҳим вазифаларни ҳал этасиз. Ҳафтанинг иккинчи ярмида барча қийинчиликлар енгилади. Хизмат сафарлари натижасидан мамнун бўласиз. Оилада юзага келган муаммолар шанба куни бартараф этилади. Якшанба куни эҳтиёт бўлмасангиз хатога йўл қўясиз.

**Арслон.** Душанба кундан бошлаб оилавий бюджетингиз аста-секин яхшиланиб боради. Ишбилармон шериклар билан алоқаларни йўлга қўясиз. Сешанба куни ҳаётингизда ўзгаришлар рўй беради, ажойиб учрашувларнинг гувоҳи бўласиз. Харидлар учун чоршанба қулай кундир. Ишқий муносабатлар жума куни бир олам қувонч келтиради. Дам олиш кунлари ижодий қобилиятингизни намойиш этиш имконияти бор.

**Бошоқ.** Ҳафтанинг бошида жамоада муайян ўзгаришлар рўй бериши мумкин. Ўзингизни қизиқтирган масалаларга тегишли жавоб топасиз. Амалий фаоллигингиз ошади. Яхшигина даромад келтирувчи ғоялар пайдо бўлади. Пайшанба – бошланган ишларни ниҳоясига етказиш, хонадонни таъмирлаш учун қулай кундир. Жума куни ҳамёнингизга пул тушиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Якшанба куни кутилмаган сарф-харажатлар қилишингиз мумкин.

**Тарози.** Душанба куни эрталабдан атрофдаги кишилар кайфиятингизни бузишади. Қийинчиликларни осонгина енгишга ҳаракат қилинг. Чоршанба куни юзага келган муаммоларни ҳал этиш учун талайгина маблағ сарфлайсиз. Пайшанба куни ҳаётингизда ўзгаришлар рўй беради. Шанба куни куч-қувватга тўлаётганингизни ҳис қиласиз. Якшанба куни оила даврасида бўлганингиз маъқул.

**Чаён.** Дастлабки кунлар саломатлигингиз бироз панд бериши мумкин. Юзага келган вазият туфайли келгуси режаларни қайта кўриб чиқинг. Фаоллигингизга қарамай кутилган натижага эриша олмайсиз. Кичик кўнгилсизликлар ташвиш туғдириши эҳтимолдан ҳоли эмас. Пайшанба куни ортиқча сарф-харажатлар кутилмоқда. Шанба – харидлар учун қулай кундир. Якшанба куни кўзлаган ниятларингиз амалга ошади.

**Ёй.** Душанба куни рақибларингиз сизга қаршилик кўрсатадилар. Сешанба куни ўз нуқтаи-назарингизни исботлаш учун кўп куч сарфлайсиз. Эски қадрдонингиз билан чоршанба куни низо келиб чиқиши мумкин. Ҳафтанинг иккинчи ярмида моддий аҳволингиз бироз ёмонлашади. Хонадонингизда низо келиб чиқишидан эҳтиёт бўлинг. Фарзандларингиз билан боғлиқ муаммолар юзага келади.

**Тоғ эчкиси.** Ҳафтанинг бошида ҳаётингизда жиддий ўзгаришлар рўй беради. Кундалик вазифаларни бажариш билан банд бўласиз. Ушбу даврда маънавий юксалиш учун барча имкониятлар мавжуд эканлигини унутманг. Жума куни атрофингизда содир этилаётган воқеаларга бефарқ муносабатда бўласиз. Дам олиш кунлари куч-қувват тўплаш ва билим олиш учун қулайдир. Оилавий муносабатлардан кўнглингиз тоғдек кўтарилади.

**Қовға.** Сиздаги ташаббускорлик ижодий қобилиятингизни намоён қилади. Сешанба куни алданиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Чоршанба куни келажагингизга таъсир кўрсатувчи янги ғоялар туғилади. Пайшанба куни яқинларингиз панд бериши мумкин. Шанба куни ўзингиз ёки яқинларингиздан бирортасининг соғлиғи ёмонлашиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Якшанба куни ҳаётингизда ўзгаришлар рўй беради.

**Балиқ.** Душанба куни молиявий аҳволингиз кўнгилдагидек бўлмайди. Сешанба – яшаш жойингизни ўзгартириш, сайру-саёҳатлар учун ноқулай кундир. Чоршанба куни эҳтиросларга берилманг. Пайшанба куни яқин дўстингиз мурувват кўрсатади. Шанба куни асосий вақтингизни дўстлар даврасида ўтказганингиз маъқул. Якшанба куни кутилмаган воқеаларнинг гувоҳи бўласиз.

Давлатнинг асосий қонуни
РФдаги тоғ тизмаси
Миссисипининг ирмоғи
Бетховеннинг 23-сонатаси
Умум, кўпчилик
Ҳиндистондаги шаҳар
Нота
Шаҳар (Япония)
Телевизион трубка
Волгарицдаги маъмурий-ҳудудий бирлик
Шотомир
Чилидаги чўл
Немис физиги
Қўшин тури



Ҳуқуқшунос олима, академик
Уйғур шоири
Шаҳар (Италия)
... Темур
Бино усти
Бурун (Франция)
Навбат
Қасам
Ёрдамчи теорема
Юрт, диёр, мамлакат
Ёқутистондаги дарё
Волида
Пул бирлиги
Дарё (Франция)
Маржон денгизидаги орол
Штат (АҚШ)
Волга ирмоғи
Дарё (АҚШ)
Инглизча майдон бирлиги
Ишора
Украиналик адиб
Номаълум сон
Қадимги шарқ енгил чакмони
Енисей ирмоғи
Орфография
Печора ирмоғи
Уст кийим қисми
Франциядаги дарё
«Наутилус» капитани
Жавоҳир
Молга озуқа







Юпитер йўлдоши
Спорт ўйини
Ўзбек шоираси
Шаҳар (Япония)
Ойнасиз дераза
Анд тоғидаги шўр кўл
Номус
Сибирдаги дарё
Брюс ...
Тафовут, фарқ
Даниялик биокимёгар олим
Чирчиқ ирмоғи
Бельгиядаги шаҳар
Узоқ шарқдаги дарё
Оҳу
Цирк артисти
Конфет тури
Ўзбек кинорежиссёри
Сайроқи тоғ қуши
Алифбонинг биринчи ҳарфи
Инерт газ
Экин майдони
Япон физиги
Оғзи йўқ, тиши кўп
Физик олим
... Капур (Актёр)
Рус киноартисти
Тур, хил
Француз газетаси
Сув билан ўралган қуруқлик
Пишмаган кўсак
Йиртқич ҳайвон
Қиличбозлик спорти қуроли
Механика бўлими
Ўзбек механик олимаси, академик
Узумнинг бир тури
Ижодий меҳнат маҳсули
Машҳур юрист, суд нотиғи




Вьетнамдаги дарё
Олам ... (тасодифан)
Сена ирмоғи
Гап булоғи
Бобомурод ... (хонанда)
Сўзсиз театр актёри
Арслон оғзидан ... олинмас
АҚШдаги штат
Нота
Миркарим ... (адиб)
Кюсю оролига қўшни орол
Унли товуш
Хотин - бўйин, ... - бош
Мустақиллик
ГФРдаги шаҳар

Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ тузди.

## ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ

ЭНИГА: Лад. Мухбир. Ечим. Атоқли. Чироқ. Сурат. "Уфқ". Савдо. Қоим. Донадор. Ой. Ура. Драма. Ижод. Аср. Ем. Эпиграф. Али. Ариза. Умар. Комета. Юз. Ар. Фойда. Девон. Қатор. Даби. Равиш. Публицистика. Обод. Рақам. Дил. Нишон. Ул. Бет. Тарҳ. Ра. Шу. Муаммо. Бу. Газета. Гимн. Ҳад. Сарлавҳа. Асар. Лит. Алдар. Барор. Расмий. Аҳд. Нашриёт. Оила. Нашр. Унум. Ёқ. Сифат.

БЎЙИГА: Эсдалик. Модда. Садоқат. "Ватанпарвар". От. Инжу. Кур. Бе. Крим. Фараз. "Ироқ". Одат. Ио. Чирой. Ал. Қат. Ирода. Кириш. Падар. "Фидокор". Ойова. Обид. Омега. Ним. Адад. Миниатюра. Оқибат. Бенет. Раъно. Ушу. Рукн. Ҳумо. Унли. Таҳмил. Фа. Миллат. Умр. Банан. Бас. Шар. Га. Тугун. Изоҳ. Сайил. Ота. Варақ. Муаллиф. Дон. Ром. Дарс. Зиёда. "Фан".

КАЛИТ СЎЗ: Матбуот – давр ойнаси.

# СПОРТ+ФУТБОЛ

ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ.

ОЛИЙ ЛИГА. 13-ТУР

"Трактор"-"Қизилқум" – 1:0

"Машъал"-"Пахтакор" – 1:3

"Насаф"-"Навбаҳор" – 3:1

"Бухоро"-"Самарқанд-Д" – 3:2

"Локомотив"-"Сўғдиёна" – 3:0

"Металлург"-"Нефчти" – 2:3.

13-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

| Жамоалар | Ў | Ю | Д | М | Т–Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1.Пахтакор | 13 | 12 | 1 | 0 | 42-5 | 37 |
| 2.Нефтчи | 13 | 11 | 0 | 2 | 30-13 | 33 |
| 4.Насаф | 13 | 10 | 1 | 2 | 28-8 | 31 |
| 3.Навбаҳор | 13 | 10 | 1 | 2 | 33-9 | 31 |
| 5.Локомотив | 13 | 5 | 4 | 4 | 17-9 | 19 |
| 6.Трактор | 13 | 6 | 0 | 7 | 18-27 | 18 |
| 8.Сурхон | 13 | 5 | 1 | 7 | 15-22 | 16 |
| 9.Бухоро | 13 | 5 | 1 | 7 | 15-27 | 16 |
| 7.Металлург | 13 | 4 | 2 | 7 | 13-25 | 14 |
| 10.Қизилқум | 13 | 3 | 3 | 7 | 15-25 | 12 |
| 11.Машъал | 13 | 3 | 2 | 8 | 16-21 | 11 |
| 12.Андижон | 13 | 3 | 1 | 9 | 13-29 | 10 |
| 13.Сўғдиёна | 13 | 3 | 1 | 9 | 9-27 | 10 |
| 14.Самарқанд-Д | 13 | 2 | 0 | 11 | 13-30 | 6 |

# ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ – ЧЕХИЯ!

***Тўғрисини айтиш керак, Португалияда ўтаётган ҳар бир учрашув ҳаёт ва мамот жанггига айланди. Ҳар бир учрашув ҳақида соатлаб гапириш мумкин, гапиришмоқда ҳам. Аввалига Испаниянинг, сал кейинроқ Италия ва Германиянинг чорак финалга чиқа олмагани, таъбир жоиз бўлса, дунё футбол аҳлининг биринчи рақамли муаммосига айланди ва мунозарага сабаб бўлмоқда.***

***Аммо буниси ҳали ҳолва экан. Эътиборингизни чорак финал учрашувларига қаратамиз. Яхшилаб эътибор беринг.***

**ПОРТУГАЛИЯ М.Т.Ж – АНГЛИЯ М.Т.Ж – 2:2**
**ПЕНАЛЬТИЛАР БЎЙИЧА – 6:5.**

Ушбу ўйинни кўрганлар финал учрашувидан ҳам зўр бахснинг гувоҳига айланишди десак ҳеч муболаға қилмаган бўламиз. Бундай ўзига хос учрашувлар бир марта бўлади ва кейингилари ҳам ўта қизиқарли бўлса-да, такрор ёки ўхшаш бўлмаслиги аниқ. Эшитган билан завқ олиш қийин, фақат ва фақат кўриш керак бундай учрашувларни! Ахир, Англиянинг юлдузлари йиғлашга ҳам куч топа олмадилар, мухлислари майдонда нималар содир бўлганини англаб етгунларича ҳам карахтликдан на бақирардилар ва на-да ўрниларидан қимирлардилар. Бечора Бэкхем. Йиллаб тўплаган обрў-эътибори икки учрашувда кўкка совурилишини билганида... бўйнига татуировка ёпиштирмасмиди. Хуллас, Свен Ёран Эрикссон жамоаси Ватанига бош эгиб (татуировкасини беркитиб) қайтиб кетди.

**ФРАНЦИЯ М.Т.Ж. – ГРЕЦИЯ М.Т.Ж – 0:1.**

Чемпионат бошида Греция терма жамоасини аутсайдерлар қаторида қўшганлар бўйнини қисиб ушбу ўйинни томоша қилдилар. Греция вакили Харистеас томонидан бош билан киритилган ягона тўп чемпионлар чемпионини ер тишлатди (майса тишлатди десак тўғрироқ бўлади). Зидан бошини қай деворга урсин, ахир майдонда деворнинг ўзи бўлмаса? Франция чемпион бўлади деганлар стадиондан қочиб чиқиб кетди шу куни. Шундоқ ҳам қорачадан келган Анри янада қорайиб кетди. Яланг бошини кўлкоплари орасига олган Бартез фақат мўлтираб қолди, холос. Начора, буни футбол дейдилар.

**ШВЕЦИЯ – ГОЛЛАНДИЯ – 0:0**
**ПЕНАЛЬТИЛАР БЎЙИЧА – 4:5.**

Кутилмаган воқеалардан эсанкираб қолган мухлислар ушбу учрашувдан сўнг тамом ҳушдан айрилишлари мумкин эди. Чунки яна бир кучли жамоа сал бўлмаса, чамадонини йиғиштириши мумкин эди. Пенальтилар серияси чоғида Ван Нистелрой, кўзойнакли Давидс бутсисини ечишга ҳозирланаётган эдилар. Хайриятки, ҳақиқат қарор топди – Голландия ярим финалда.

**ЧЕХИЯ М.Т.Ж. – ДАНИЯ М.Т.Ж. – 3:0.**

Юқоридаги уч ўйиндан фарқли ўлароқ футбол аҳли ушбу сўнгги чорак финал учрашувини хотиржам тарзда кузатди. Боиси, Чехия термаси футболчилари намойиш этаётган ўйин Европа футболини безамоқда. Кўпчиликнинг фикрича, агар чехияликлар финалгача етиб бормасалар, адолат тарозиси "синган" бўлади.

***Хуллас, футбол кўришда давом этинг. Кеча ярим финалнинг бир учрашуви бўлиб ўтди. Унда Португалия Голландия терма жамоаси билан куч синашди. Бугун эса Чехия ва Греция жамоалари учрашуви бўлиб ўтади.***



Ҳаммадан баланд сакраган Ян Коллер тўпни дарвозага жойлаб, ҳисобни очди. (Чехия –Дания).

# СПОРТ ВА САНЪАТ – ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ!




Республика ИИВ "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуида ана шу шиор остида Халқаро гиёҳвандлик кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда республика ИИВ ЖҚ ва ТҚКББ бўлим бошлиғи, милиция



подполковниги Азиз Йўлдошев гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланишига қарши курашда таълим-тарбия муассасалари, жамоатчилик ташкилотлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан яқиндан ҳамкорлик қилишлари зарурлигини таъкидлади.



Шундан сўнг Ўзбекистон халқ артисти Нуридин Ҳайдаров, таниқли сўз устаси Валижон Шамшиев, ёш хонандалар Камолиддин Мирсолиев, Комилжон Мирсолиев ва яна бир қатор санъаткорлар бу иллатга ўз муносабатларини билдириб, ҳақиқий санъат ҳамиша инсоният онгини заҳарловчи турли оғуларга қарши бўлганлигини айтишди. Улар ижро этган қўшиқлар, сўзлаб берган ҳангомалар йиғилганларни гўзаллик, кулгу оламига ошно этди.

Кўл жангги бўйича ёш спортчилар кўргазмали чиқишлар чоғида ўз маҳоратларини намойиш қилишди.

Тадбир якунида олий лигада тўп сураётган Тошкентнинг "Локомотив" ҳамда Жиззахнинг "Сўғдиёна" жамоалари ўртасида футбол мусобақаси бўлиб ўтди.

Тадбирда республика ИИВ ШТБИХ бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Н. Расулов иштирок этди.

**Бобомурод ТОШЕВ.**

# АНЪАНАВИЙ МУСОБАҚА

**Олмалиқ шаҳрида ёнғин ўчириш амалий спорти бўйича Тошкент вилояти биринчилиги ўтказилди.**

Анъанага айланган беллашувни ўтказишдан мақсад ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларини кутилмаган вазиятларда маҳорат кўрсатиб, ёнғин ўчириш воситаларини тез ва чаққонлик билан қўллаш, инсонларни ёнғин хавфидан қутқариш, давлат ва халқ мулкини сақлаб қолиш, Ватан ва эл олдидаги ўз бурчларини бажаришда жисмонан соғлом, эпчил ва чидамли этиб тарбиялашдир.

Мусобақада вилоятнинг шаҳар ва туманларидан 16 терма жамоа қатнашиб, тўрт босқичда куч синашди.

100 метрга тўсиқлар оша югуришда 1-ўринни Янгийўл шаҳри терма жамоаси вакили Ж. Умрзоқов, 2-ўринни ушбу жамоа вакили Д. Қулматов ва 3-ўринни Ангрен шаҳри вакили А. Юнусовлар эгаллади.

Ёнғин ўчириш эстафетасида Ангрен шаҳри терма жамоаси ғолиб бўлди. Янгийўлликларга 2-ўрин, чирчиқликларга 3-ўрин насиб этди.

Ишғол қилиш нарвони бўйлаб ўқув минорасининг 4-қаватига кўтарилишда Янгийўл шаҳри терма жамоа вакили Д. Қулматовга тенг келадигани топилмади, унинг жамоадоши Ж. Умрзоқов, Ангрен шаҳри терма жамоа вакили А. Юнусов кейинги икки ўринни ўзаро бўлишиб олдилар.

Уч поғонали нарвонда ўқув минорасининг 3-қаватига кўтарилиш бўйича эса Янгийўл шаҳри вакиллари ғолиб бўлишди. Ангренликлар иккинчи, олмалиқликлар учинчи бўлишди.



Умумжамоа ҳисобида 1-ўрин Янгийўл шаҳри, 2-ўрин Ангрен шаҳри, 3-ўринни Чирчиқ шаҳри терма жамоаларига берилди.

Ғолиб жамоалар ва мусобақа иштирокчилари фахрий ёрлиқ, пул мукофоти ва эсдалик совғалар билан тақдирландилар.

**Ш. АНВАРОВ.**

**Суратда: мусобақадан лавҳа.**

## ҲАЁТ ОҚСИЛИ

Меъёрида оч қолиш сут эмизувчилар, жумладан, инсоннинг умрини узайтириши олимларга илгаридан маълум. Бундан ташқари, меъёрида овқатланиб юрган кишилар кексайганда диабет ва саратон касалликларига камроқ чалинишади.



Яқинда америкалик олимлар бу ҳодисанинг сабабини топишди. Биологларнинг аниқлашича, сут эмузувчилар оч қолганда организми ўзига хос оқсил ажратиб чиқарар экан. Айнан шу оқсил инсон 120 йил ва ҳатто ундан ҳам зиёдроқ умр кўришига ёрдам беради.

## ТУШЛИККА БИР КИЛО... ЎТ

Ҳиндистонлик Гангарам исмли киши тушликка ҳеч бўлмаса бир кило кўкат емаса яшолмаслигини айтди. Бу ўтхўр киши бошқа егуликларсиз юраверади, аммо севимли таоми бўлмаса, кун эмас, соат сайин ҳолдан тояди. Гангарамнинг айтишича, кўкатлар унга нафақат қувват беради, балки табиат билан уйғунлигини таъминларкан. У машҳур йог Махарана Пратандан ўрнак олиб, ўтхўрликни ўрганган. Ўшандан буён хасталик, чарчаш нималигини билмайди. Бу ҳолнинг ўзи ҳам кўкатлар таркибидаги дармондорилар организмимиз учун нақадар зарурлигини кўрсатади.



## ЯНА ДИАБЕТ ҲАҚИДА

Шу пайтгача семиз туғилган болалар вояга етганда қандли диабет касаллигига мойил бўлишади, деб ҳисобланарди. Чақалоқлар ичида озғин бўлганларини эса бу хасталик четлаб ўтади, деган фикр ҳукмрон эди. Британиялик олимларнинг аниқлашича, бу қараш унчалик тўғри эмас экан. Гап шундаки, озғин боланинг организми тез семиришга мойил бўлади. Бу эса модда алмашинувининг бузилиши, гормонал номувофиқликка олиб келади. Шунинг учун ота-оналар фарзандлари организмидаги модда алмашинуви жараёни меъёрида бўлиши муҳимлигини билишлари лозим. Бу жараён боликда бузилса, ёш ўтган сайин уни ўнглаш қийин кечади.



## «ЎРМОНГА ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛ!»

Европада турли стресслардан ўрмон садолари ёрдамида даволаниш русум бўлаяпти. Агар шаҳар шовқинидан безган киши азбаройи бандлигидан табиат қўйнига чиқишга вақти бўлмаса муайян тўлов эвазига ўрмонга... қўнғироқ қилиши мумкин.

У телефонда дарахтлар шовуллаши, қушлар сайрашини эшитиб ёки сукунатни тинглаб ором олади. Ушбу лойиҳани руҳшунослар "Ўрмонга қўнғироқ қил" деб номлашган. Мазкур усул чарчоқни, тажанглики тез тарқатаркан. Яқин орада яна иккита лойиҳани амалга ошириш режалаштириляпти. Улар "Шаршарага қўнғироқ қил" ва "Тоққа қўнғироқ қил" деб аталади...



САЛОМАТЛИК САҲИФАСИ



СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ОГОҲЛАНТИРАДИ:

# ЧЕКИШ САЛОМАТЛИК УЧУН ХАВФЛИДИР!

Чекиш кейинги вақтларда оммавий тус олиб кетган энг зарарли одатлардан биридир. Тамаки тутуни сурункали қон-томир, саратон, ўпка касалликлари ва бошқа кўплаб дардларнинг келиб чиқишида асосий омиллардан ҳисобланади. Ҳар йили чекиш 3,5 миллион инсонни ҳаётдан олиб кетади. Бу ҳар 9 сонияда бир инсон кашандалик туфайли ҳаётдан кўз юмади дегани.

Чекиш ва камбағаллик доим ёнма-ён юриши исботланган. Тамаки уни чеккан кишинигина зарарлаб қолмай, балки ён-атрофдагиларга ҳам ёмон таъсир қилади. Кашандалар биринчи навбатда ўз оила аъзолари соғлиғи учун нақадар катта зарар келтиришлари олимлар томонидан аниқланган.

Чекишга мойиллик аста-секин ривожланади: ёшлик даврида баъзи-баъзида, бирор сабабга кўра ёки ҳавасга чекилади, кейинчалик бу доимий равишда одат тусига кириб боради. Оилада ота-оналардан бири кашанда бўлса, фарзандларининг чекиш эҳтимоли 2 баробар юқори бўлади.

Ҳар қандай кашанда чекишни ташлаши мумкин. Бунинг учун бир неча усуллар мавжуд. Шулардан бирини сизга тақдим этамиз.

Аввало қайси сабаблар сизни чекишни ташлашга ундаганлигини аниқлаб олайлик. Қуйида сиз танишиб чиқадиган 10та сабаб қаршисига биттадан учтагача балл қўйиб чиқинг.

Бу сабабнинг сизга аҳамияти бўлмаса – 1, унинг қайсидир томони сизга ҳам таалluқли бўлса – 2, агар бу сабаб сиз учун айнан тегишли бўлса – 3 балл қўясиз.

**1. Мен кашандаликнинг соғлиғим учун зарарли эканлигини сеза бошладим.**

**2. Чекиш кайфиятимни ёмонлаштиради.**

**3. Болаларим ҳам мендан ўрнак олиб кашандаликка ўрганишларини хоҳламайман.**

**4 Чека бошлаганимдан буён ҳид, овқат мазасини сезмайдиган бўлиб қолдим.**

**5. Сигарета тополмасам ўзимни қўярга жой тополмайман.**

**6. Кийимларимгача тамаки ҳиди ўрнашиб қолган.**

**7. Хотиним (эрим) чекишга ундайди.**

**8. Чека бошлаганимдан буён хотирам ёмонлашганини сезаман.**

**9. Кашандаликнинг чўнтакка ҳам зарари катта.**

**10. Тамаки тутуни кишининг ташқи кўринишини ҳам бузади, юзлари кўкимтир тортиб, ажин қоплайди.**

Агар жамлаган баллар 20 дан ортиқ бўлса. Ўзингизни чекишни ташлашга руҳан тайёрман деб ҳисобланг. Даставвал ҳафта давомида ҳар куни неча дона сигарета чекишингизни ҳисобланг. Натижада 7,12,10,11,15,8,14 рақамлари олинди, дейлик. Энди уларнинг ўртача сонини ҳисобланг. Бизнинг мисолда бу 11 ни ташкил этяпти. Қайси пайтда, қайси куни, қаерда кўп чекишингизни кузатиб боринг. Куннинг қайси вақтида сиз биринчи сигаретани чекасиз? Зинҳор ҳар куни чекадиган сигареталарингиз сонини қайд этиб боришни унутманг.



Иккинчи босқичда сиз ҳар гал озгингизга сигарета олганингизда нима учун чекаётганингизни ҳис этиб турасиз: қайсидир муаммо устида бош қотириб турганда "қўллаб" юборади, бироз бўшашиб дам олгингиз келади, давра шарафи, ўзингизни овутиш, учун ёки беихтиёр чекишингиз мумкин. Булардан хабардор бўлиш ана шундай пайтларда чекиш ўрнига бошқа воситалардан фойдаланиш имконини беради.

Учинчи босқичда сигаретани бир неча қутилаб сотиб олманг. Бир қути тугамасдан бошқасини очманг. Янгисини эса имкони борича кечроқ очишга интилинг. Агар ўзингизда бўлмаса, зинҳор бошқалардан сўраманг. Сигаретани охиригача чекманг, имкони борича кўпроқ қолдириб, ташланг. Бу босқич охирига келиб, ўртача бир кунда чекиладиган сигареталар сони икки баравар камайиши керак. Агар шунга эриша олсангиз, бемалол жиддий ғалабага эришдим, деб ҳисоблайверинг.

Тўртинчи босқичда кун бўйи сигарета чекмаслик мақсад қилиб қўйилади. Ёнингизда резина сақич, хушбўйлантирувчи ҳапдорилар ёки никотин ёпиштиргичлардан фойдаланинг. Чекиш ҳумор қилса, гўё дори ичгандай икки стакан сув ичиб юборинг.

Бешинчи босқичда имкони борича чекмасликка ҳаракат қилинади. Ўзингизга: "Неча кун чекмай яшай оламан?" деган саволни беришингиз керак. Энг қийин томони ишда ва турмушда бўладиган қийинчилик, тангликлар пайтида чекиб қўймасликдир. Йиллар давомида айрим шароитларда албатта чекиб, ўзингизга шартли рефлекс ҳосил қилгансиз. Ана шу рефлексни бузишга интилинг. Фойдали воситалардан яна бири очиқ ҳавода жисмоний меҳнат билан шуғулланишдир. Спортнинг қайси тури билан шуғулланманг, сиз учун энг муҳим ғалаба – никотин устидан қозонилган ғалаба бўлади.

Демак, бу пайтга келиб сиз чекишга қарши анчагина тажриба орттирдингиз. Балки сизга мазкур дастурнинг баъзи босқичлари осон кечмагандир? Лекин бу билан чекишни ташлаб бўлмас экан деган хаёлга асло бормай, қайта-қайта уриниб кўринг. Қайта уринишлар албатта ўз натижасини беради ва вақт ўтиши билан бир неча кун чекмаслик унчалик машаққат эмаслигини сезасиз.

Сизга бу курашда омад ёр бўлсин ва тезроқ ғалабага эришинг!

**Иқбол ОДИЛОВА,**
*шифокор.*

Ажаб савдолар

# ТЕКШИРИЛГАНИ ШУ БЎЛСА...




Ишдан қайтишда йўл устидаги бозорга тушиб, у-бу харид қилмасам, кўнглим жойига тушмайди. Бу гал ҳам бозор оралаб, келиним тайинлаган мева, сабзавотларни сотиб олдиму беихтиёр қовун-тарвуз растасига бурилдим. Аммо куни кеча қўшнимнинг: “Мен қовун-тарвузни фақат август ойида ейман” деган гапи ёдимга тушди. Истамайгина катта-кичик тарвуз уюмларига кўз ташладим. Улар тепасига чиройли шаклда қирқиб қўйилган қип-қизил тарвуз бўлаклари, сотувчи йигитчаларнинг чорловлари хаёлимдаги “тарвуз ҳали пишмаган” деган ўйни нари қувди.

Шунга қарамай миямни “қизил бўлгани билан селитрага тўйинган, еган одамни касал қилади” деган фикр эгаллади. Бироқ тарвузларнинг ёнидаги “Текширилган” деган ёзув ва ундаги муҳр босилган қоғозга кўзим тушиб яна иккилана бошладим.

Таваккал қилиб тарвуз уюмларидан бирига яқинлашдим. Кўринишидан соддагина сотувчи йигит:

– Опажон, тарвуз дориланган бўлса, мана бу маълумотномани беришармиди? – дея тахтачага имо қилди. Унинг ишонч билан айтган сўзларидан кўнглим таскин топди.

Йигит танлай-танлай футбол тўпидан каттароқ бир тарвузни уюмдан ажратиб олди. Пичоқни чуқур ботириб, чақмоқлади-да, қип-қизил бўлиб пишган каттагина бўлакни узатди.

– Мана, опажон, еб кўринг. Ёқмаса, олманг.

Кўз олдимга набираларимнинг шодон чеҳралари келди. Савдолашмай, тарвузни олдим.

Уйга келгач, кийим алмаштиришга ҳам сабрим чидамай, набираларимни тўплаб, тарвузни сўйдим. Икки ёшдан салгина ўтган Баҳодиржоннинг: “Нима бу? Ҳарбузми?” дея оғзини тўлдириб, тарвуз ейиши, “Бувижон, яна бейинг!” дейишларидан завқланиб турганимда ичкаридан чиллали келиним чақалоғини кўтариб чиқиб келди.

– Тарвуз пишибдими, ая? Роса дори солингандир? – сўради у.

– Текширилган экан, – дедим ишонч билан. – Ол, сен ҳам е, ҳеч нарса қилмайди.

Катта келиним болаларга совуқ сув ичиш мумкин эмаслигини тушунтирганча, пўчоқларни йиға бошлади. Шу пайт... ўнг томонимда, яъни жигаримда оғриқ бошланди. “Қуриб кетсин, текширилгани билан дори кўпроқ солинган шекилли” деган гап ўтди хаёлимдан.

Кечки овқатни ейишга иштаҳам бўлмади. Қайноқ-қайноқ иссиқ чой, хапдорилар ҳам кор қилмади – жигар оғриғига қорин оғриғи қўшилди. Кечаси ётоқдан чиқсам, катта келиним икки набирамнинг бирини ҳожатхонага киритиб, ваннахонада иккинчисининг бошидан ушлаб турибди.

– Буларингизга бир нарса бўлган. Иккови ҳам ичи кетиб, қайт қилаяпти, – деди у бир қўли билан қорнини ушлаганича. – Боя олча компоти ичишганди, ўшанданмикин?

Ичкарида биғиллаб йиғлаётган чақалоғини овутаётган кичик келиним ғизиллаб чиқиб, тувакчани олдию:

– Баҳодирнинг ичи кетяпти, – дея шошганча, хонасига кириб кетди.

Катта келин қорни оғриётганларнинг ҳаммасига аллақандай дори тайёрлаб, ичирди.

Хуллас, амаллаб тонг оттирдик. Туни билан “югур-югур”дан чарчаб, мадори қуриган набираларим пинакка кетишди. Ранги бир аҳволда бўлиб қолган келиним дамлаб келган аччиқ чойга новвот солиб, иссиқ-иссиқ ичиб ўтиргандим, телефон жиринглади.

– Ая, – гўшакдан қизимнинг ҳорғин овози эшитилди. – Набираларингиз кеча қанақа тарвуз ейишган эди?

Унинг хонадонидаги аҳволни тасаввур қилиб:

– Текширилган тарвуз эди, – дедим беихтиёр.

– Текширганни қўли синсин! – деди у фиғони фалакка чиқиб. – Кечаси билан болаларим қайт қилиб, қорни оғриб чиқди.

Гап тополмай қолдим. Бизнинг уйда ҳам кечаси ҳеч ким ухламаганини унга қандай айтаман? Дарвоқе, тарвузнинг текширилгани шу бўлса, текширилмаганини еган одамнинг аҳволи нима кечаркин?

**ШАҲЗОДА.**

Қилмиш-қидирмиш

# БИР ПАРЧА ШИША СИНИҒИ

Кўча-куйда бирор кўнгилсизлик ёки йўл-транспорт ҳодисаси рўй берса, “кўча тасодифларга тўла”, “фалокат оёқ остида” деб қўямиз. Лекин ана шу тасодиф ва фалокатлар сабабчиси инсоннинг ўзи, унинг эҳтиётсизлиги эканлигини аксарият ҳолларда унутамиз. Шу боис, биз кўпроқ эътиборни аҳоли ўртасида кенг қамровли тушунтириш, тарғибот ишларини олиб бориш, айниқса, болаларга “Йўл ҳаракати қоидалари” ва ҳаракатланиш хавфсизлиги талабларини ўргатишга қаратаяпмиз. Аммо бундан ўзига тўғри хулоса чиқармайдиган, қонун-қоидаларни менсимайдиган фуқароларимиз оз бўлса-да учраб турибди. Масалан, шу йил 15 июнь куни йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг навбатчилик қисмига Яйпан-Қўқон йўлида йўл-транспорт ҳодисаси содир этилганлиги ҳақидаги хабар келиб тушади. Унда номаълум транспорт воситаси йўлнинг ўнг томонидан кетаётган Раҳима Абдуллаева ва Муҳаббат Раҳмоноваларни уриб юборади. Ҳайдовчи уларга ёрдам кўрсатмасдан воқеа жойидан номардларча қочиб кетади. Оғир тан жароҳати олган Раҳима Абдуллаева вафот этди, Муҳаббат Раҳмонова эса шифохонага ётқизилди.

Ушбу машъум хабар олингач, Фарғона вилояти ИИБ ЙҲХБ ва Ўзбекистон тумани ИИБ ходимлари оёққа турди. Тезда махсус гуруҳ ташкил этилди. Суриштирув ва қидирув ишларига барча шахсий таркиб жалб қилинди. Масаланинг чигал томони шунда эдики, воқеа жойида кичкинагина бир шиша синиғидан бошқа айтарли далилий ашё қолмаганди.

Шифокорлар муолажасидан ўзига келган жабрланувчи Муҳаббат Раҳмонова билан суҳбатлашдик.

– Биз йўл четидан келаётган эдик, – дейди у. – Машина қаердан пайдо бўлганини билмай қолдим. Фақат бир нарса тарақлаб урилганини эслайман. Ёдимда қолгани оқ рангли машина эди. Менимча, “Жигули” бўлса керак.

Жабрланувчи берган маълумот асосида қидирув ишлари бошлаб юборилди. Қисқа фурсат ичида шу атрофда ва қўшни туманларда яшовчи фуқароларга тегишли “ВАЗ” русумдаги транспорт воситаларининг рўйхати тузилди. Ходимларимиз юздан ортиқ автомобилларни махсус текширувлардан ўтказишди. Лекин ҳадеганда калаванинг учи топилавермади. Бу орада суд-тиббий экспертизасининг хулосаси ҳам тайёр бўлди. Энди бошқа русумдаги транспорт воситалари ҳам текширила бошланди. Маҳаллаларда суриштирув ишларини кучайтирдик. Қишлоқ фуқаролар йиғини, маҳалла фаоллари бизга яқиндан кўмак беришди. Ниҳоят, қоронғулик узра йилт этган чироқдек, ходимларимиз умидли бир хабар топишди. Шу тариқа йўл-транспорт ҳодисаси содир этган ва бир инсоннинг ҳаётдан бевақт кўз юмишига, иккинчиси эса оғир тан жароҳати олишига сабабчи бўлган ҳайдовчи топилди. У илгари оғир жиноят содир этиб судланган ва қамоқ жазосини ўтаб қайтган, Ўзбекистон тумани Яккатут қишлоғида яшовчи Х. Нодир бўлиб чиқди. Унга тегишли бўлган “Москвич-412” русумли автомашинасини кўздан кечирган ходимлар тирноқча катталикдаги шиша синиғи айнан шу машинага тегишли эканлигини аниқлашди. Кичкинагинагина далилий ашё олдида Нодир бош эгиб, ўз айбига иқрор бўлди.

**Баҳодир ИСРОИЛОВ,**
*милиция подполковниги.*

Жиноятга жазо муқаррар!

# ТИЙИҚСИЗ ҚАРИЯЛАР

**Латиф бобо эндигина кексалик гаштини суриб, невaралари шодлигидан баҳраманд бўладиган пайтида оламдан ўтди. Кампири Норжон момо ёлғиз қолди. Ўғли Омонбой, мўмин-қобилгина келини, ширин-шакар невараларни унинг атрофида парвона. Лекин умр йўлдоши вафотидан кейин ўзини анча олдириб қўйди...**

Ёз кунларидан бирида Норжон момонинг бозорга боргиси, у-бу нарсаларни харид қилгиси келди. Ўғли “Онажон, сиз уйда ўтиринг. Керакли нарсаларни ўзим олиб келиб бераман” деганига ҳам кўнмади. Бозорни айланган Норжон момо чарчаган бўлса-да, кайфияти анча тетиклашди. У харид қилган нарсаларини кўтарганча автобус бекатига келди. Орадан кўп вақт ўтмай унинг ёнида ўзи тенги нотаниш бир киши пайдо бўлди. У Норжон момодан худди эски қадрдонлардек ҳол-аҳвол сўрай бошлади. Қариянинг сертакаллуфлиги Норжон момога ёқиб қолди ва уни уйига меҳмонга таклиф қилди. Рўзмат бобога айнан шу керак эди. Чунки унинг борадиган жойи йўқ, умрининг ярмидан кўпи қамоқхоналарда ўтганди. Кўринишидан анча насиҳатгўй бўлса-да, шовқин-суронга сира тоқат қилолмас, жиззаки ва жоҳил эди.

Рўзмат бобо аёлникига тез-тез келадиган бўлиб қолди. Норжон момо уни қўшниларига “узоқ қариндошим” деб таништирди. Қария баъзан ётиб қоладиган одат ҳам чиқарди. Кўп ўтмай улар “қариндошлик”ни унутиб, турмуш қуриб олишди. Энди кексаларга болаларнинг қийчуви, оила аъзоларининг баланд овоз билан гапиришлари, қувноқ қийқириғи ёқмай қолди. Кампирининг ёлғиз ўғли Омонбой асрандилигини билгач, Рўзмат бобонинг феъли бузилди. Ҳовлини иккига бўлиб, орқа томондан эшик очиб олди.

Ёмон одам мисоли кўмир, у ловиллаб куйдирмаса ҳам сени қаро қилади, дейишади. Рўзмат бободаги қўрслик, қўполлик Норжон момога ҳам ўтди. Бу икки қария борди-келдини унутиб, қўни-қўшниларникигаям чиқмай қўйишди. Рўзма бобо ҳайит куни уйига қариндош-уруғ, қўни-қўшнилар келишмасин, деб эшик очқичига паст кучланишли электр токини улаб қўйгани ҳаммасидан ошиб тушди.

Чол-кампирнинг баъдфеъллигидан безор бўлган яқинлари уларни йўқламай қўйишди. Бироқ олтмишдан ошган “ошиқ-маъшуқ”лар бунга парво қилишмади. Улар энди уйга буткул эгалик қилиш ҳаракатига тушиб қолишди. Ўзаро режа тузиб, Омонбойни йўқ қилиш, келин ва невараларни уйдан ҳайдаб чиқаришга аҳд қилишди.

Рўзмат бобо машъум режасини амалга ошириш учун умрининг ўн тўрт йили қамоқда ўтган эски қадрдони Шавкатни излаб топди. Унга Омонбойни ими-жимида йўқ қилолса, олдиндан 100 минг, иш битгач эса 1 миллион сўм беришини айтди. Шавкат “ўйлаб кўрай”, деди. У пул учун қолган умрини ҳам қамоқда ўтказишни истамади. Бироқ Рўзмат бобо уни ҳоли-жонига қўймади. Шундан сўнг Шавкат Янгиариқ тумани ИИБга мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Тезкор гуруҳ дарҳол ишга киришди, 63 ёшни қаршилаган хивалик Рўзмат Бекчонов жазмани Норжон Давлетова билан жиноий тил бириктириб, Шавкат Қодировга Омонбойни ўлдириш учун 100 минг сўм пул бераётганда қўлга олинди. Чол-кампирлар кексалик “гашти”ни панжара ортида сурадиган бўлишди.

**Х. ЖАББОРОВ.**

Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти ва шахсий таркиби Бош бошқарма ХЧК ва ФБ бошлиғининг ўринбосари, милиция полковниги

**Кўлдош ҚОСИМОВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Жиззах шаҳар ИИБ бошлиғи, милиция полковниги О. Қосимовга акаси

**Кўлдош ҚОСИМОВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Самарқанд вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ИИБ ЙҲХБ техника назорати бўлими бошлиғи, милиция майори А. Қурбоновга падари бузруквори

**Маматқул ҚУРБОНОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бирлашган таҳририяти жамоаси таҳририят ходимаси З. Ашуровага онаси

**МОҲИНУР аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Биласизми?

# ЁЗНИНГ ҚАЙНОҚ КУНЛАРИДА

Айрим фалсафий таълимотларга кўра, фаввора тўкин-сочинлик, муваффақият, бойлик манбаи, рамзи ҳисобланаркан. Шунинг учун бўлса керак, банклар ва суғурта идоралари олдида мўъжазгина бўлса ҳам фавворани учратиш мумкин.

Фаввора нафақат кишига эстетик завқ бағишлайди, балки микроиқлимни ҳам яхшилайди, ёзнинг жазирамасида кишига роҳат, ҳузур бағишлайди.

Хўш, ҳовлингизда фаввора бўлишини хоҳлайсизми? Бунинг ҳеч қийин жойи йўқ. Ўзингиз ҳам фаввора қуришнинг уддасидан чиқишингиз мумкин.

Аввало, тахминан 150 литр сув сиғадиган чуқур қазийсиз. Унинг тубига сув ўтказмайдиган плёнка тўшайсиз. Плёнканинг қирғоққа туташган четларига тош ётқизинг, ўт-ўлан қопланг. Сув насосини ҳовузчанинг ўртасига жойлаштиринг. Фақат унинг таги текис бўлсин. Чиройли кўриниши учун насоснинг устига тош териб чиқсангиз бўлади. У сув остида жойлашиши керак. Агар шаршарача ҳам бўлса, насоснинг сув қайтаргичи втулкасига резина ичак улаб, уни тошлар остидан шаршара отилаётган ерга йўналтиринг. Насосда йирик сувўтлари ва бошқа зиён етказувчи нарсаларни сақлаб қолувчи фильтр (сизгич) бўлади. Сувни тозалаш учун қўшимча фильтр тизими ҳам барпо қилиш мумкин. Ҳовузчада сувўтларининг кўкариб, ғовлаб кетишига йўл қўймаслик чораларини кўриш керак. Масалан, манзарали балиқларни урчитиш мумкин.

Фаввора чиройли бўлсин десангиз, дизайнерга мурожаат қилганингиз маъқул. Фаввора рангли мусиқага мос отилувчи, тоғ жилғалари, торнадо, туман, понтон кўринишида, масофадан пульт орқали бошқариладиган бўлиши мумкин.



Бундай жозибали фаввора дўстлар кайфиятини кўтариши шубҳасиз.

**Қуйидаги фаввораларни ўзингиз қуришингиз мумкин:**




Бир куни...

# СОҚОЛ-МЎЙЛОВЛИ «КЕЛИН»

Ўғриликни касб қилиб олган Д. Раимбой икки марта судланиб ҳам ақли кирмади. Қўшнисининг уйини “тозалаб” қочиб кетди. Роса бир ой дегандa унинг қаердалиги аниқланди. Пойтахт атрофидаги қишлоқлардан бирида, янги қурилган уй эшигини тақиллатдик. Кекса бир аёл чиқиб келди. Бизни кўриб, ҳайрон бўлиб сўради:

— Сизларга ким керак?

Мен ўзимни таништириб, муддаони айтдим. Кампирнинг қулоғи оғир экан.

— А, нима дейсиз? — деди у.

Баланд овозда ўзимни таништириб уйни текшириш лозимлигини айтдим.

— Келинимдан бошқа ҳеч ким йўқ, — деди аёл бизни ичкарига бошлар экан.

Ҳовлининг чор атрофига уйлар солинган, ишни қаердан бошлашни билмай тургандим, ошхонадан келинчак чиқиб келди. Шерикларимга топшириқ бериб ўзим тўрдаги хоналар томон ўтдим. Ётоқхонани кўздан кечириб, ичкарига кирай десам, эшик қулфланган. Бир зум тин олиб, қулоқ тутгандим, енгил қадам товуши келди. Кампирдан хонанинг калитини сўрадим. У келинини чақириб нимадир деди. Келинчакнинг ранги ўзгарди, лекин билдирмасликка ҳаракат қилиб:

— У хонанинг калитини қайноғам ўзлари билан олиб юрадилар, ҳеч кимнинг киришига рухсат бермайдилар, — деди.

Мендаги шубҳа янада ортди.

— Бўлмаса эшикни бузамиз, — дедим қатъий оҳангда.

Келинчак чўчиб тушиб, буни кампирга тушунтирди. Аёл бўлса:

— Очиб бераверинг, эшик бузилмасин, — деди ва чўнтагидан бир шода калит чиқариб узатди. Келинчак ноилож аҳволда калитларни олиб, мен билан юрди.

Хонани очганимизда ичкарида бир аёл ўтирарди. У бизни кутмаган шекили, юзини терс буриб олди. Хона иссиқ бўлишига қарамай, бошига қалин рўмол ўраб олгани ғалати эди. Эгнидаги кийимига разм солиб, гавдасига умуман мос эмаслигини сездим.

— Бувингиз уйда ҳеч ким йўқ дегандилар-ку, — дедим келинчакка.

У индамай кўзини жавдиратганча турарди. Ичкаридаги аёл деразага яқинлашди ва уни тезда очиб, айвонга сакраб ўтди. Ортидан мен ҳам югурдим. Аёл дарвозахонага етганда шерикларим уни ушлашди. Шу пайт рўмоли бошидан тушиб кетди. Не кўз билан кўрайки, соқол-мўйлови ўсиб кетган Д. Раимбой келинчаклардай кийиниб олганди...

**Мақсуд ЖУМАТОВ,**
*милиция майори.*

## КРИПТОГРАММА

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 5 | 10 | 8 | 6 | 7 |
| 2 | 11 | 9 | | | |
| 4 | 6 | 3 | - | | |
| 3 | 6 | 7 | 10 | . | |

| | 1. Абулқосим Фирдавсий достони. 2. Фасл. | 3. Муносабат. 4. Кўҳна транспорт. | 5. Цитрус мева. | 6. От абзали. 7. Миллий либос. | 8. Қадимги шаҳар. 9. Эркак исми. | 10. Халқ рақс куйи. 11. Мисрдаги ёдгорлик. | 12. Бепанд. 13. Кўзгу. | 14. Тўшама жиҳоз. 15. Чоҳарёр. | 16. Француз рассоми. 17. Пул бирлиги. | 18. Истиҳола. 19. Куй ижроси. | 20. Оғир саноат мажмуи. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. Қизиқчи, устоз аскиячи. | | | | | | | 1 | | | | |
| 2. Тизма тоғ. 3. Бахт. 4. Дон маҳсули. | | | | | | | | | | 2 | |
| 5. Тарафдор. 6. Сайланувчи. | | | | | | | | | 3 | | |
| 7. Ҳимоя қуроли. 8. Фармон. | | | | 4 | | | | | | | |
| 9. Афсонавий қуш. 10. Физик зарра. | | | | 5 | | | | | | | |
| 11. Ёрдам. 12. Ёнувчи газ. | | 6 | | | | | 7 | | | | |
| 13. От зоти. 14. Сўз туркуми. | | | | 8 | | | | | | | |
| 15. Ижро ҳужжати. 16. Отлар подаси. | | | 9 | | | | | | | | |
| 17. Диёнат. 18. Либос зиҳи. | | | 10 | | | | | | | | |
| 19. Ҳафта куни. 20. Билим маскани. | | | | | | 11 | | | | | |

**Ф. ОРИПОВ** тузди.

### ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН БОШҚОТИРМАНИНГ ЖАВОБЛАРИ

**Энига:** 1. Орифжонов. 2. Мирмуҳсин. 3. Нашриёт. 4. Охунова. 5. Босмахона. 6. Саъдуллаева. 7. Телевидение. 8. “Ньюсуик”. 9. Устоз. 10. Жобиров. 11. Макет. 12. Карасик.

**Ўртадаги тик қатор доирачаларида:** ЖУРНАЛИСТИКА.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ: 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko‘chasi, 1

Bosh muharrir Shuhrat MURODOV

Bosh muharrir o‘rinbosari Erkin SATTOROV
Mas'ul kotib Rahmatilla BERDIYEV
Navbatchi Qobiljon SHOKIROV
Sahifalovchi Zokir BOLTAYEV

TELEFONLAR: Bosh muharrir o‘rinbosari 139-75-69. Kotibiyat 139-73-88. muxbirlar bo‘limi 139-77-23, 59-27-15. Buxgalter 139-75-37. Faks 132-05-51.
E-mail: urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo‘li» aksiyadorlik investitsiyaviy tijorat bankining Mirzo Ulug‘bek bo‘limi.

● Ko‘chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko‘rsatish shart
● Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar.
● Qo‘lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

GAZETA O‘ZBEKISTON MATBUOT VA AXBOROT AGENTLIGIDA 007 RAQAM BILAN RO‘YXATGA OLINGAN

Buyurtma J-000346. Bosilish — ofset usulida. Hajmi — 4 bosma taboq. 50842 nusxada chop etildi.

Obuna raqamlari: Yakka tartibda — 180 Tashkilotlar uchun — 366
Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Bosishga topshirish vaqti — 20.00. Bosishga topshirildi — 20.00.

Toshkent matbaa kombinatida chop etildi.
Korxona manzili: Alisher Navoiy ko‘chasi 30-uy.

Ⓝ —Internet va xorijiy matbuot vositalarii asosida tayyorlandi.